

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

“ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ” ФАКУЛЬТЕТИ
“ИЖТИМОЙ МАДАНИЙ ФАОЛИЯТ” ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

“МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ МУАССАСАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ВА БОШҚАРИШ” КАФЕДРАСИ

“ЖАМИЯТ ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ
МУАССАСАЛАРНИНГ ЎРНИ”

МАВЗУСИДАГИ

Б И Т И Р У В М А Л А К А В И Й И Ш И

“Битирув малакавий иш кафедрада
дастлабки ҳимоядан ўтди”.

“Маданият ва санъат муассасаларини
ташкил этиш ва бошқариш”
кафедрасининг _____ - сонли
йиғилиш баённомаси
“ _____ ” _____ 2014 йил

Бажарди: “Ижтимоий маданий
фаолият” таълим йўналиши 4-босқич
битирувчиси
Жўраев Аброр

Илмий раҳбар: Доцент
Қ.В.Нишонбоева

Кафедра мудири _____
Х.Шодиев

Тошкент 2014 йил

Жамият ижтимоий барқарорлигини таъминлашда маданий маърифий муассасаларнинг ўрни

Режа:

Кириш

I-боб. Жамият ижтимоий барқарорлигини таъминлашда маънавий-маърифий жараёнлар: тушунча ва моҳият.

1.1. Ўзбекистонда янги жамият барпо этишнинг маънавий-маърифий негизлари ва ўзига хос хусусиятлари;

1.2. Мамлакат ижтимоий-маданий ҳаётини такомиллаштиришда маданий-маърифий муассасаларнинг роли.

II-боб. Ўзбекистонда маданий-маърифий ишларнинг янгиланиши, ютуқлари ва муаммолари.

2.1. Маданий-маърифий ишларнинг ҳолати ва истиқболлари;

2.2. Маънавий баркамол инсонни шакллантиришда маданий-маърифий муассасаларнинг ўрни.

III-боб. Маданий-маърифий муассасалар фаолиятини такомиллаштиришнинг айрим муаммолари.

3.1. Маданий-маърифий муассасаларда маънавий-маърифий тарғиботнинг янгича кўринишлари;

3.2. Маданий-маърифий муассасаларда миллий ва умуминсоний қадриятлар тарғиботи муаммолари (Т.Содиқов номли шаҳар маданият уйи мисолида).

Хулоса

Глоссарий

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
<i>I-боб. Жамият ижтимоий барқарорлигини таъминлашда маънавий-маърифий жараёнлар: тушунча ва моҳият.</i>	9
1.1. Ўзбекистонда янги жамият барпо этишнинг маънавий-маърифий негизлари ва ўзига хос хусусиятлари	9
1.2. Мамлакат ижтимоий-маданий ҳаётини такомиллаштиришда маданий-маърифий муассасаларнинг роли.	19
<i>II-боб. Ўзбекистонда маданий-маърифий ишларнинг янгиланиши, ютуқлари ва муаммолари.</i>	33
2.1. Маданий-маърифий ишларнинг ҳолати ва истиқболлари	33
2.2. Маънавий баркамол инсонни шакллантиришда маданий-маърифий муассасаларнинг ўрни.	39
<i>III-боб. Маданий-маърифий муассасалар фаолиятини такомиллаштиришнинг айрим муаммолари.</i>	51
3.1. Маданий-маърифий муассасаларда маънавий-маърифий тарғиботнинг янгича кўринишлари	51
3.2. Маданий-маърифий муассасаларда миллий ва умуминсоний қадриятлар тарғиботи муаммолари (Т.Содиқов номли шаҳар маданият уйи мисолида).	62
Хулоса	66
Глоссарий	70
Фойдаланилган адабиётлар.	73

Кириш

Жамият ижтимоий иқтисодий маданий тараққиёти бевосита унинг маънавий ахлоқий негизларининг ривожланиши билан бевосита боғлиқдир. Маънавият жамият ва миллат равнақининг бош омили ва пойдеворидир. Қайси ерда маънавий камолот юксак бўлиб, маърифий-тарбиявий тадбирлар оқилона йўлга қўйилган бўлса, шу салтанатда жамият ижтимоий адолат мезонлари асосида тез ривожланганлиги тарихдан маълумдир. Биз қураётган демократик давлатнинг уч муҳим томони бор: иқтисодиёт, сиёсат ва маънавият. Бу уч омил қанчалик мустаҳкам, кучли диалектик алоқада бўлса, келажагимиз равнақи ҳам шунчалик ишончли бўлади.

Маълумки, кучли қудратли давлат кучли маънавият заминида вужудга келади. Мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунлариданок аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросимиз, миллий қадриятларимизни тиклаш давлат сиёсатининг муҳим масаласига айланди. Мамлакатимизда маърифий маданий ишларни амалга оширишда, миллий маънавият ва унинг асосий моҳиятини ёшлар онгига сингдиришда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- Имони бутун, маънавий ахлоқий жиҳатдан етук инсонлар тарбиясига эътиборни кучайтириш;
- Миллий қадриятларни тўла тиклаш, шу асосда миллий ифтихор туйғуларини шакллантириш;
- Халқ хўжалигининг барча соҳаларида маънавий покликка тўла эришиш;
- Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш ишларида фаол қатнашиш, бу йўлда фидойилик намуналарини кўрсатиш;

- Мустақиллик, мамлакат ва унинг тараққиёти учун ҳалол хизмат қилиш, Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканига ишонч туйғуларини тарбиялаш;
- Президент фармонларига, қонунлар ва мустақил ҳукуматимиз чиқарган қарорларига содиқ бўлиш, қадрлаш ҳамда амал қилиш.

Магистрлик диссертация ишининг долзарблилиги. Халқимизнинг бой маънавий мероси, шарқона ва умуминсоний қадриятлар асосида мамлакат, миллат келажагини белгилайдиган илғор ғояларни ҳаётга татбиқ этиш йўллари кўрсатишда миллий давлатчилигимизнинг тарихий илдизлари ва бугунги давлат ва жамият қурилишининг демократик характери ва тамойиллари, давлат бошқаруви ва жамоатчилик ўртасидаги мустаҳкам алоқаларининг ҳуқуқий кафолатлари, унинг маънавий негизларини мустаҳкамлаш ва маънавий маърифий ишларини жонлантириш зарурдир.

Магистрлик диссертация ишининг долзарблилиги, давлатимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро, дўстлик ва ҳамкорликни қадрлаш, Мустақиллик Ўзбекистонимизнинг халқаро нуқузи, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва обрў эътибори юртбошимиз олиб бораётган сиёсат ва у белгилаб берган жамиятни ривожлантириш бўйича маънавий ва ахлоқий негизларини жамиятнинг энг кичик бўғинларига татбиқ этишдир.

Ёшларимизда она Ватанга меҳр муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ғурур ва ифтиҳор, ҳалоллик ва поклик, кўмак ва эътиқод ғояларининг камол топишида бу намоён бўлади.

Юртбошимиз И.А.Каримов ўзининг 1996 йил 9 сентябридаги “Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш” тўғрисида”ги фармонида “Маънавият биз учун устувор йўналишдир” деган эди.¹ Маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги белгилаб

¹ “Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш” тўғрисида”ги фармони

берилди. Натижада, жамиятнинг маънавий ва маърифий ҳаётини тубдан ислоҳ қилишга йўналтирилган махсус миллий дастур ишлаб чиқилди.

Ишнинг долзарблилиги яна шунда аниқ намоён бўлмоқдаки, бугунги дунёда асосий қурол ғоя бўлиб қолган, глобаллашувнинг таҳдидлари кучайиб бораётган бир пайтда миллатни бирлигини, унинг асосий унсурларини ва халқнинг маънавий борлигини сақлаб қола оладиган бирдан бир восита миллий ғоя ва маънавиятдир. Бемақ, мавзу бугунги куннинг энг актуал масалаларидан бири ҳақидадир.

Магистрлик диссертация ишининг мақсад ва вазифалари. Республикамизда глобаллашув ва интеграция жараёнида жамиятнинг маънавий-маърифий негизларини яратишга, шу соҳадаги истиқбол Дастурини бажарилишига, миллий маънавиятимизнинг юксалишига, маънавий-мафкуравий муҳитини янада соғломлаштиришга хисса қўшишдир.

Миллий маънавий қадриятлар, анъаналарини қайта тиклаш ва бойитиш мустақиллик йилларида эришилаётган ютуқларни ўрганиш, уларни оммалаштириш, жойларда бу соҳадаги кенг ташкилий вазифаларни кузатиш , умумлаштириш ва соҳа вакиллари билан ҳамкорлик қилиш;

Халқимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, шарқона ва умуминсоний қадриятлар асосида, мамлакат миллий келажагини белгилайдиган илғор ғояларни кўтариш;

Маънавий-маърифий, ижтимоий иқтисодий ва ҳуқуқий ривожланиш билан боғлиқ омиллар, миллий давлатчилик қадриятлари фуқаролик жамияти барпо этиш тамойилларини ўрганиш. Давлат ва жамият қурилишида Президент И.А.Каримов илгари сурган маънавий ахлоқий негизларини жойларда қандай оммавийлашаётганлигини кузатиш;

Магистрлик диссертация ишининг мақсади. Ёшларни миллий ва умуминсоний маънавият ҳамда уларнинг ўзаро муносабати тўғрисидаги мустақил қикрлашга ва ўз мулоҳазаларини эркин ифодалашга, шу орқали миллий ва умуминсоний таънавиятнинг тўғри англашга ўргатишдан иборатдир.

Магистрлик диссертация ишининг услубий йўналиши. Президент И.А.Каримовнинг маънавият масаласига қаратилган барча асарларида, шунингдек “Маънавият енгилмас куч” асарида қолаверса тарихий манбаалар ва замондош олимларимизнинг яратаётган илмий фалсафий асарлари асос қилиб олинган.

Магистрлик диссертация ишининг илмий янгилиги. Ижтимоий маданий фаолиятни такомиллаштиришда жамиятнинг маънавий мафкуравий уйғунлиги масаласи уларни ўз миллий қадриятларидан, умумбашарий цивилизация ютуқларидан маҳрум қилишга, пировард натижасида юртимизни ўзига қарам қилиб олишга қаратилган замонавий тажовускорликни мафкуравий шаклидир.

Магистрлик диссертация ишининг илмий ва назарий аҳамияти. Президентимиз И.А.Каримов мафкуравий масалаларни ҳал қилиш, ечиш, ишлаб чиқиш, яратиш ҳақида гапирар экан, ўзининг бутун ижтимоий сиёсий фаолиятида маънавият масаласига жуда катта эътибор қаратаётганини билиш мумкин. Шу ўринда айтиш жоизки истиқлолий жараёнлар тобора авж олиб бораётган ҳозирги даврда жамият аъзолари маънавий баркамоллигини таъминлаш ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилларидан бирига айланиб бормоқда. Бугунги глобаллашув ва интеграция жараёнида ҳар қандай ислохотлар силсиласида маънавий-маърифий соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “... маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишига даъват этадиган, инсонни ички оламини бойитадиган, унинг иймон иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан”².

Мамлакат ривожининг ҳозирги босқичида жамиятда содир бўлаётган маънавий маърифий ислохотлар уларнинг ижтимоий тараққиёт ва баркамол инсон тарбиясидаги таъсирини ўрганиш, тадқиқ қилиш ўта зарур

² Каримов И.А. Ўзбекистон 21 асрга интилоқда., Тошкент, 1999 йил, 17-бет.

муаммолардан бири ҳисобланади. Айни пайтда, битирув малакавий ишида илгари сурилганғоялар, илмий хулосалар танқидий фикрлар ва ижобий тавсиялар ҳозирги информацион ахборот ва глобаллашув жараёнида илмий тадқиқотчилар, шунингдек маънавият ва маърифат билан шуғулланувчилар, айниқса талаба ёшлар учун маълум ёрдам кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги шароитда ижтимоий маданий фаолиятни такомиллаштиришда жамиятнинг маънавий, мафкуравий уйғунлиги муҳим аҳамият касб этиб, шахс, айниқса ёшларнинг ахлоқий фазилатларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ёшларни турли маънавий таҳдидлар, салбий иллатлардан асраб қолувчи омиллар мавжуд бўлиб, тадқиқотнинг назарий аҳамияти ҳам шундадир:

- Ватанпарварлик, инсонпарварлик ва ўз элига садоқат шахс маънавияти мезонлари сифатида;
- Шахс ахлоқий фазилатларининг шаклланишида оила ва маҳалланинг ўрни ва аҳамияти;
- Шахс ахлоқий фазилатларининг шаклланиши ва ривожланишида таълим тарбиянинг ўрни.

Магистрлик диссертация ишдан қузатилаётган мақсад:

- Ёшларда “маънавият” ва “мафкура” ҳақида билимлар пайдо бўлади;
- Маънавият мафхум нарсаси эмас, у аниқ ҳаракат, инсонни ривожлантиришга ундовчи омил эканлигига ишонтирилади;
- Суҳбатдошда яхшини ёмондан, эзгуликни разилликдан, ростни ёлғондан ажратиш олиш ҳисси шаклланади;
- Ёшларда миллий маданий меросдан фахрланиш ҳисси шаклланади.
- Жамият ва миллат манфаатларига дахлдорлик ҳисси шаклланади.

Магистрлик диссертация ишининг тузилиши. Битирув малакавий иши Кириш, 3 та боб, олти параграф, хулоса, глоссарий ва фойдаланилган адабиётлар иборат.

***1-боб. Жамият ижтимоий барқарорлигини таъминлашда маънавий-
маърифий жараёнлар: тушунча ва моҳият***

***1.1. Ўзбекистонда янги жамият барпо этишининг маънавий-маърифий
негизлари ва ўзига хос хусусиятлари***

*“Бизнинг асосий бойлигимиз ривожланган
инсондир. Юксак малакали ва юксак
маънавиятли инсондир. Бу нарса айниқса,
ёш авлодга тегишлидир”³.*

И.А.Каримов

Йигирма уч йил давомида мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Халқимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, мамлакат ўтмишига, бой тарихий меросига, маънавий қадриятлар ва анъаналарга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Давлатимиз раҳбарининг “Юксак маънавият - енгилмас куч” китобида таърифланганидек, инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч - маънавиятга энг устувор йўналишлардан бири сифатида эътибор қаратилди. Мустабид тузум даврида миллатимиз ва халқимизни камситувчи бузиб кўрсатилган тарихий ҳақиқатлар тикланди. Миллий байрамлар ва урф-одатлар асл ҳолига қайтди. Азиз авлиёларимизнинг қаровсизликдан нураб, деярли йўқ бўлиб кетиш арафасига келиб қолган мақбаралари, масжид ва мадрасалар тубдан таъмирланди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши миллий маданиятимиз тарихини ўрганиш, у ҳақда ҳолисона фикр билдириш борасида катта

³ И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари IX сессиясидаги маърузаси. “Баркамол авлод орзуси” Т.2000 йил.

имкониятлар яратди. Осори-атиқаларимизни асраш, миллий кадриятларимизни тиклаш, қадимий бой тарихимизни тўлақонли ёритиш имконияти туғилди.

Маданий-маънавий муассасалар – маданий масканлар, театр, кино, музей, кутубхона, санъат саройлари, маданият ва истироҳат боғлари, маънавият ва маърифат масканлари, болалар ва ўсмирлар ижод марказлари, ОАВ нашриётлар, таълим масканлари мажмуини англатадиган тушунча. Кейинги пайтда улар сафига халқаро ва миллий маданий марказлар, халқ амалий санъати билан шуғулланадиган кичик корхоналар, фирмалар ва хусусий корхоналар, оила, маҳалланинг қўшилиши халқ оммасининг ижтимоий маданий ҳаётда фаол иштирок этишини таъминлайди. И.Каримов таъкидлаганидек, “...истиклолгача маданият ва маънавият ўчоқларини, санъат масканларини қуриш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмас, бунга худдики даромад бермайдиган бефойда бир иш, иккинчи даражали масала, деб қаралар эди. Бирон бир маданият биноси қурилишини амалга ошириш учун эса бир қанча давлат идораларидан ўтишга, агар унга сарфланадиган маблағ маълум бир миқдордан ошадиган бўлса, Москвадаги қанча-қанча кабинетларда овора бўлишга тўғри келар эди. Театр, санъат уйлари каби масканлар халққа маънавий озуқа бериши, маданий савиясини ошириши, унинг юрагига малҳам бўлиши – бу масалалар уларни қизиқтирмасди. Чунки халқнинг маданияти, онгу тафаккури қанчалик паст бўлса, уни буйсундириш, бамисоли бўйнига калта арқон боғлаб етаклаш шунча осон бўлишни эски мафкура доҳийлари яхши биларди”⁴.

Мустақиллик йилларида юртимизда маданият ва санъат иншоатларини барпо этиш билан бир қаторда аجدодларимиз қолдириб кетган улкан маданий мерос ва тарихий ёдгорликлар қайтадан тикланмоқда. Шу мақсадда кўплаб қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилиниб, ўз ижросини топмоқда. Ушбу хужжатлар миллатимиз маданияти, санъати, қолаверса, миллий

⁴ Каримов И.А. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”. Т., “Ўзбекистон” 2000 йил, 341-бет.

маънавиятимиз тараққиётида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Истиқлол йилларида биргина Тошкент шаҳрида “Туркистон” саройи, Алишер Навоий номидаги миллий боғ, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Миллий академик театр биноси ва ғоят гўзал, маҳобатли кошона – Ўзбекистон Давлат консерваториясининг янги биноси, Қатағон қурбонлари хотираси музейи ва кўплаб иншоотлар барпо этилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишлари билан бевосита шуғулланадиган Ўзбекистон Республикиси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида 5748 та кутубхона, 2143 та клуб муассасаси, 87 музей, жумладан 18 та тарихий, 25 та ўлкашунослик, 10 та бадиий, 16 та мемориал ва 18 та бошқа йўналишдаги музей ва 60 дан ортиқ маданият ва истироҳат боғлари ҳамда 37 та профессионал театр жамоаси фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бугунги кунда дунёда инсон қалби ва онгини эгаллаш учун қаттиқ кураш бормоқда. Ҳаётнинг барча жабҳаларида тубдан ижобий ўзгаришлар бораётган бир пайтда миллий маданиятимизнинг ривожланишига ва жамиятимиз ҳаётига четдан турли шаклдаги мафкуравий таҳдидлар ҳавф солиб турибди.

Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- Ислон халифалигини тиклаб, унинг байроғи остида мусулмон халқларни янги империяга бирлаштиришга қаратилган интилишлар;
- Ёш мустақил давлатларни собиқ иттифоқга бирлаштириш ғояси;
- Тарихимизни миллий қадриятларимиз ва диннинг моҳиятини сохталаштиришга уринишлар;
- Ахлоқсизлик ғояларини ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга интилишлар;
- Турли мафкуравий воситалар орқали минтақавий ва миллатлараро можароларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар.

Миллий истиқлол ғоялари асосида камол топаётган бугунги ёшлар мустаҳкам эътиқод юксак дунёқараш, маърифат асосида ўзлигини намоён этмоғи мамлакатимизга, одамларимизнинг қалби ва онгини эгаллашга

каратилган таҳдидларга қарши туриш ва огоҳ бўлиб яшамоғи учун маданий ва маърифий тадбирлар савиясини ҳам замон талаби даражасида мослаштирмоқ зарур.

Шундай қилиб, жаҳолатга қарши маърифат асосида курашиш. Маърифатчилик миллий истиқлол ғоясининг муҳим тамойилларидан бўлиб, соғлом эътиқод, юксак дунёқараш ҳамда мафкуравий иммунитет асосларини мустаҳкамлашга хизмат қила оладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш зарурдир.

Мафкуравий иммунитет тушунчасини ҳам биринчи бўлиб Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ишлатган ва унга қуйидагича таъриф берган:

“Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олса олиш учун, аввало киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади.

Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур”⁵.

Марказий Осиё Минтақаси стратегик жиҳатдан ғоят қулай ҳудудда жойлашишини, ер ости ва ер усти бойликлари кўп бўлгани учун бу ерда қадим замонлардан буён турли давлатлар ўз манфаатларини кўзлаб кураш олиб борганлар.

Босқинчи ва ёвуз кучлар ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш учун аввало бу ердаги халқни ғафлатга солиш, билимсизлик ва жаҳолатда қолдириш йўлидан фойдаланишга ҳаракат қилинган. Бу ҳол собиқ шуро истибдоди даврида ҳам яққол намоён бўлди.

Шунинг учун жасур боболаримиз мактаблар, илм даргоҳлари, газета-журналлар очиш, халқни билимли ва маърифатли қилиш йўлида ўз жонларини аячмаганлар.

⁵ Каримов И.А. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”. Т., “Ўзбекистон” 2000 йил, 490-бет.

XX аср бошидаги жаидлар ҳаракати бунга мисол бўла олади. Чунки маърифатли инсонни ҳеч ким йўлдан ура олмайди, ҳеч қандай куч енга олмайди. “Илм-маърифатга қизиқиши суст миллатнинг келажаги ҳам бўлмайди”, дейди И.А.Каримов.

Маърифат асосидаги мафкуравий иммунитет бугунги кунда ҳаётий зарурат бўлиб, юртимиз ёшларини соғлом ва баркамол қилиб вояга етказишда, олийжаноб мақсадларимизга эришишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мустақиллик мафкурасининг Ўзбекистонда босиб ўтган йўли, ниҳоятда кийин ва мураккаб бўлди. XIX асрнинг иккинчи ярмигача хон ва амирлар ҳар қандай илғор мафкурани ва шу жумладан миллий мафкурани ҳам таъкиб этдилар. 1865-1917 йилларда ўлкамиз чоризмнинг мустамлакасига айланди ва ҳур фикр айтиш, миллий мафкурани ўртага ташлаш имконияти бўлмади. 1917 йилдан 1991 йилнинг кузигача Ўзбекистон “Қизил империя” исканжасида бўлди ва ақидалаштирилган марксизм – ленинизм назарияси ҳамда мафкурасига ҳамнафас бўлмаган ҳар қандай фикр, ғоя рад этилди. Шу сабабли, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб юртимизнинг оташин фарзандлари томонидан айтилган мустақиллик мафкураси ғоялари юзага чиқарилмаган. Муқимий, Фурқат, Чўлпон, Элбек, Фитрат, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Боту, Сўфизода, Абдулла Авланий ва ўнлаб бошқа шоир, ёзувчи, мутафаккирлар айтган фикрлар пинхоний қолиб кетди.

Эндиликда Ўзбекистон халқининг мустақил мафкураси шаклланиб, у кун сайин мазмунан ва шаклан бойиб бормоқда. Бевосита таълим берувчи муассасалар билан бирқаторда маданий маърифий муассасалар – мафкуравий тарбиясини асосий ўчоқларидир. Уларда амалга оширилган тадбирлар куйидаги вазифаларни бажаришга қаратилгандир:

- Мустақилликнинг мустаҳкамлашга хизмат қилиш;
- Ўзбекистон Мустақиллигининг сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий заминларини яратишнинг фидойиси бўлиш;
- Ватан туйғусини шакллантириш;
- Она тилимизга мухаббат уйғотиш;

- Миллий кадриятларга ҳурматни кучайтириш;
- Эзгулик тимсоли бўлган аёлни улуғлаш;
- Оилани ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашдаги ролини кучайтириш;
- Маҳалланинг демократия дарсхонаси ва ўз-ўзини бошқариш мактаби эканини тушунтириш;
- Умуминсоний кадриятларни миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, дунёвий ишларга интилиш ва илғор маданиятни шакллантириш воситаси эканини ўқтириш;
- Диннинг дунёвийлик билан қарама-қарши эмаслигини англатиш;
- Маърифатнинг шахс интеллектуал салоҳиятини оширишдаги имкониятлари кенглигини исботловчи куч эканини қўтириш;
- Тарихнинг, мафкуранинг тарихий асосини яратишдаги аҳамиятини очиб бориш;
- Ҳуқуқий маданият соғлом дунёқарашнинг муҳим эканлиги тўғрисидаги маълумотларни тарқатиш;
- Бозор иқтисодиётининг ва муносабатларининг барча томонларини ўзлаштириш муҳим эканлиги тўғрисида маълумотлар тарқатиш;
- Мутелик, норасолик, боқимандалик, кайфияти ва ҳиссиётларига қарши кураш;
- Бошқаларнинг ўтмиш сарқитларидан қутулишга ёрдамлашиш.

Муайян муаммоларнинг бартараф қилиш учун ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни таъминлаш, уларни ўзига ҳам, атрофдагиларга ҳам фойдали бўлган фаолият билан машғул қилиш керак.

Бу борада мунтазам, анъанавий тарзда ёшларни тарихий жойларга саёҳатларини уюштириш, ҳар хил саналарга бағишланган тадбирлар уюштириб туриш, ўткир зехнлилар беллашуви, турли мавзуларда бахслар, мунозара, ижодий учрашувлар, дам олиш кечалари, байрам кўрик танловлари, тўғараклар очиш ва ҳакозолар.

Мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларида бўлганидек, маданий маърифий соҳада ҳам бундай ўзгаришлар рўй берди. Шаклан ҳам, мазмунан ҳам миллий маданиятнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилди.

Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамокдамиз. Давлат ва сиёсат арбоблари, файласуфлар ва жамиятшунос олимлар, шарҳловчи ва журналистлар бу даврни турлича таърифлаб, ҳар хил номлар билан атамоқдалар. Кимдир уни юксак технологиялар замони деса, кимдир тафаккур асри, яна биров ялпи ахборотлашув даври сифатида изоҳламоқдалар.

Албатта, бу фикрларнинг барчасида ҳам маълум маънода ҳақиқат, рационал мағиз бор. Чунки уларнинг ҳар бири ўзида бугунги серқирра ва ранг-баранг ҳаётнинг қайсидир белги аломатини акс эттириш табиий. Аммо кўпчиликнинг онгида бу давр глобаллашув даври тариқасида таассурот уйғотмоқда.

Ҳозирги пайтда ер юзининг қайси чеккасида қандай бир воқеа юз бермасин, одамзот бу ҳақда дунёнинг бошқа чеккасида зудлик билан хабар топиши ҳеч кимга сир эмас.

Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак, -бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг ба жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас.

Ҳозирги пайтда инсоният ҳаётига катта хавф туғдираётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркоагрессия ва СПИД сингари офатларни кўпчилик яхши билади. Лекин, бугунги кунда ҳамма ҳам билавермайдиган, ошқора кўзга ташланмайдиган, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга

каратилган жиддий хатарлар ҳам борки, ҳозирроқ уларни олдини олмасак, кейин кеч бўлади. Булар Ғарб оламида кенг тарқалган эгоцентризм ва эркинлик ниқобидаги ахлоқсизлик фалсафасидир.

“Эгоцентризм худбинликнинг бир кўриниши бўлиб, фақат ўзини, ўз манфаатларини ўйлаб яшаш, бошқа ҳеч нарсани тан олмасликни билдиради. Инсониятга етказадиган зарари нуқтаи назаридан бу иллат жаҳолат ва ақидапарастликдан асло қолишмайди”⁶.

Бугунги кунда мустақил ёш республикамызда тобора кенгайиб, ўз шаклини ўзгартириб бораётган ғарбона ахлоқсизликни эса аксарият ғўр ва тажрибасиз ёшлар “европача маданият” ва “эркинлик” сифатида қабул қилишга интилиш ва алданиб қолиш ҳеч гап эмас.

Умуман, бундай хавф-хатарлар дунёдаги ялпи глобаллашув жараёнларини таъсирида, ахборот оламидаги янгиликлар билан ниқобланган ҳолда жамият ҳаётига шу қадар шиддат билан кириб келмоқдаки, уларнинг зарарли, тузатиб бўлмас оқибатини фақат кенг фикрлайдиган, ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг фарзанди эканини чуқур англайдиган, юксак маънавиятли одамларгина тушуниши мумкин.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда маънавият, таълим-тарбия соҳасида, ҳар томонлама тайёргарликка эга бўлган, шундай таҳдидлар билан кураша олишга қодир фидоий одамлар сув билан ҳаводек зарур. Лекин, таассуфки, бизда ана шундай курашчан инсонлар етарли эмас.

Агар, биз ўз ҳаёт тарзимиз, миллий ғоямызга мутлақо зид бўлган эркинлик ниқоби остидаги хавф-хатарлардан фарзанларимизни асрай олмасак, бузғунчи кучлар миллатимиз маънавиятини бутунлай тескари томонга буриши ва охир-оқибатда ўзлигимизни, ҳар қандай миллатни миллат, халқни халқ қиладиган анъна ва қадриятларимизни йўқотишимиз мумкинлигини барчамиз аниқ-равшан тасаввур қилишимиз даркор.

Ҳозирги кунда Ғарб дунёсида эркинликни ниқоб қилиб олган айрим кимсалар нафақат бизнинг миллий анъаналаримиз, балки барча халқлар

⁶ И.А. Каримов “Маънавият енгилмас куч”. Т., 2008 йил, 118-бет.

учун кадрли бўлган инсонийлик ақидаларига тўғри келмайдиган турли бузгунчиликларни оммавий ахборот воситалари орқали очикдан-очик кенг тарғиб этаётганини кўриб турибмиз.

Биргина мисол: Буюк Британияда Элтон Жон исмли машхур қўшиқчи бир хил жинс вакилларининг никоҳдан ўтиб, оила қуришни эркинлик намунасидеб бутун дунёга кўз-кўз қилмоқда.

Энг ёмони шундаки, бундай одамларнинг ёшлар ўртасида минг-минглаб мухлислари бор ва уларнинг бу каби жирканч ишлари ана шу ёшлар онгини захарламасдан қолмайди, албатта.

Бундай ҳаракатларнинг ортида одамни фақат ҳайвоний нафс билан яшайдиган жонзотга айлантиришдек тубан мақсадларни кўзда тутадиган катта куч ва хатарли мафкура бор. Бундай ғоявий марказларга ахлоқ, одоб, маънавият, мустақил фикрлайдиган одамлар керак эмас. Уларга на ота-онаси, на Ватани ва миллатини тан оладиган манқуртлар керак, холос.

Ҳамонки, бугун ана шундай ёвуз хатарлар бошимизга чуюндек ёпирилиб келаётган экан, ҳар қайси инсон ўзининг онгли яшаш ҳуқуқи учун аввало ўзи курашиши керак. Онгли яшаш дегани-ўз ақли ва фикрига эзгу, инсоний мафкурага, аниқ миллий ғояга суяниб яшаш дегани.

Масаланинг яна бир мураккаб томони шундаки, ҳозирги замонда бундай зарарли ахборот оқимини тақиқлаш йўли билан тўхтатиб бўлмайди. Бир тешикни беркитсангиз, бошқа, ундан ҳам каттароқ тирқишдан бостириб кираверади. Шу сабали бундай информацион тажовузларнинг моҳиятини очиб бериш учун фақат маънавий-маърифий тарбия йўли билагн кураш олиб бориш мумкин.

Яна мисолларга эътибор берсак, статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда айрим Ғарб мамлакатларида бир йилда ҳар ўнта никоҳдан еттитаси бузилар экан. Шунинг ўзиёқ маънавий ахлоқ-одоб масалсига бепарволик ва лоқайдлик, эркинликни ўзбошимчалик деб тушуниш оғир ва аянчли оқибатларга олиб келиш мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди.

“Бугунги кунда миллатни, миллий қадриятларни асраш керак” деган ғояни бот-бот такрорлаяпмиз. Миллатни асарш-унинг дину-диёнати, иймон-этиқоди, ахлоқ-одоби, урф-одатлари, бугунга қадар етишган маданий даражасини асраш демакдир. Ўтмишда юртимизга бостириб келган ҳар қандай мустабид борки, биринчи навбатда миллий қадриятларни оёқости қилишга, миллат руҳини синдиришга ҳаракат қилган. Бугун биз ХХІ асрда яшаяпмиз. Шунга мос равишда бизнинг руҳиятимизга нисбатан қилинаётган маънавий-мафкуравий экспансиянинг ҳам усуллари, йўллари тобора нозиклашиб, “маданийлашиб” бораётгани сир эмас. Турли кинофильмлар, телевидение кўрсатувлари, радиоэшиттиришлари шаклида, газета-журналлар. Интернет тармоғи ва бошқа йўналишларида узлуксиз равишда тиқиштирилаётган бизнинг миллий тушунчаларимизни барбод этишга, мафкуравий иммунитетимизни сусайтиришга, ёшларимизни ўз йўлидан адаштиришга қаратилган тажовузларни кўриб билиб турибмиз. Бугунги кунда бубун дунёда инсон қалби ва онги учун шиддатли кураш кетаётганини ҳам яхши тушунамиз. Демократия ниқобидаги нафсга қуллиқни, дин ниқобидаги жаҳолатни тарғиб этишдан кўзланаётган узоқларга кетадиган манфаатларни теран англаймиз.

1.2. Мамлакат ижтимоий маданий ҳаётини такомиллаштиришда маданий маърифий муассасаларнинг роли

Президентимиз Ислом Каримовнинг “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт” деган гапларида Ўзбекистонда ёш авлодни тарбиялаш борасидаги давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган.

Маънавий баркамол авлод тушунчаси кенг қамровли, серқирра тушунча. Маънавий баркамол инсон – комил инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Айни вақтда маънавий баркамол инсон тушунчаси билан ҳам боғланиб кетади.

Шунинг учун маънавий баркамол инсонни, соғлом авлодни тарбиялаш муҳим ва долзарб масала. Бу масалада юртбошимизнинг қуйидаги сўзлари ибратлидир: “Биз соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак. Вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки Шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғояларни онгига сингдириб олган киши юксак маънавиятли, яъни маънавий баркамол, комил инсон ҳисобланади. Маънавий баркамоллик инсоннинг дунёқараши, эътиқоди, руҳияти, ҳуқ атвор нормалари, ахлоқ одоби билан бевосита алоқадаорлиги билан ажралиб туради. Маънавий баркамол кишилар тақдири ва фаровонлиги, Ватан тақдири ва унинг равнақи ўйлайдилар. Улар мутеликда, қарамликда яшашни истамайдилар”⁷.

Комил инсонни вояга етказишдан иборат кенг кўламли вазимфалар бугун олдимизда турган улкан мақсадлар билан бевосита уйғунлашувчи жараёндир.

Мустақиллик йилларида комил инсонга ҳос муҳим хусусиятлардан бири сифатида шахснинг озодлиги, ҳам фикран, ҳам руҳан эркинлигига кенг эътибор бераётганлиги, “Комил инсон” концепциясига назарий ёндошувнинг Ислом Каримов бошлаб берган янги босқичидир. Мазкур босқичнинг муҳим

⁷ И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Т.Ўзбекистон 2000 йил.

жихати эркин фикрловчи баркамол инсонни шакллантириш, уни турлича билимлар, ахборотлар билан таъминлашдир.

Комиллик, меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, виждон, ор-номус, ирода, тадбиркорлик, матонат каби кўплаб асл инсоний ҳислат ва фазилатлар мажмуидир. Комил инсон ҳояси азал-азалдан халқимизнинг эзгу-орзуси, маънавиятимизнинг узвий бир қисми бўлиб келган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да ҳалол меҳнат комилликнинг асосий мезони сифатида талқин этилган. Ибн Сино, Беруний, Фаробий, Навоий каби мутафаккирларнинг комил инсонни тарбиялаш ҳақидаги фикрлари жамият тараққиётидаги янги маънавий имкониятлар излаш мақсадлари билан боғланган. Комил инсон қуллик, мутелик, боқимандаликдан батамом ҳалос бўлган инсон. Комил инсон ўз маслаҳи, Ватани, халқи манфаатларига ёт, зарарли ғояларни тарқатаётган кимсалар ортидан кўр-кўрона эргашиб кетавермайди, огоҳ ва фаол бўлади.

Комил инсонларнинг сийрат ва суратида илоҳийлик ва инсонийлик мужассамдир, зотан илоҳийликни инсонийликдан ва инсонийликни илоҳийликдан ажратиб тасаввур қилиб бўлмас. Улуғ инсонлардаги қудрат ва каромат, маънавийлик етуқлик уларнинг тақволари эвазига тангри таоло берган бир илоҳий неъмат, тангри таоло қудрати ва камолотининг муайян миқдордаги ифодаси ва давомидир.

Шунинг учун комил инсонлар ҳаётини ўрганиш ва инсонлар ҳаётини ўрганиш ва инсоннинг ўзини, ҳам Оллоҳнинг таниш ва билиш калитидир.

Буюк ватандошимиз Шайх Нажмиддин Кубро тасаввуф таълимотининг Кубровия йўналишига асос солган машҳур мутафаккирдир. Шайх Нажмиддин Кубро – “Тасаввуфдаги комил инсон тушунчаси илоҳийлик ва инсонийлик табассумининг мукамал ва олий даражаси, одамларнинг одамларни олами бутунликда, асил уйғунликда кўриш орзу ҳаёллари, камолот машъали бўлиш баробарида аниқ ва шахслар, яъни валюллоҳ инсонлар рутбасини тан олиш ва қонунлаштириш ҳамдир. Чунки комил

инсон барча илмлардан, зохирий ва ботиний донишдан бохабар, қалбида ғайб асрори жўш уриб турган зот” – деб таърифлаганлар⁸.

Шайх Нажмиддин Кубро инсон заковати ва ақлий – ваздий қобилятига юксак баҳо бериб, айтадики: “Вилоят (валийлик) одам боласига азалдан насибадир, чунки одам Парвардигорнинг суйган махлуки, Парвардигор одамга ақл берган, уни кучли мавжудотдан афзал қилиб яратган”⁹.

Ҳар қандай жамиятнинг ривож, истиқболи, қудрати охир-оқибатда ҳар жиҳатдан инсон омилига бориб тақалар экан, демак бизнинг ҳозирги вақтда ўз олдимизга қўйган келажаги буюк, ҳуқуқий демократик, давлат, эркин фуқаролик жамиятни барпо этишдек буюк мақсадимизнинг тўла маънода руёбга чиқиши, аввало мамлакат ёш авлодини қай кўринишда тарбия олиб, камолотли шахслар сифатида камол топиб боришларига боғлиқдир.

Юртбошимиз И.А.Каримов ташаббуси билан Республикамизда 1997 йилда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинган эди. Мамлакатимиз тараққиёти истиқболига мўлжалланган ушбу қонун ва дастурнинг ишлаб чиқилишидан олий мақсад, аввало жамиятимиздаги бўлаётган янгиланишлар, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар сари юз тутган она Ватанимизучун ХХІ асрдаги залворли муаммоларни ечадиган, ватан хизматиғаярайдиган, ҳар томонлама етук камол топган маърифатли илм сарчашмаларидан баҳраманд бўлган, ўз даврига муносиб йигит ва қизларни тарбиялаб камол топтиришдир.

Ҳозирги вақтда ижтимоий ҳаёт сари шахсдаги кириб келаётган ҳозирги ёшларнинг тафаккури, онги ва дунёқарашида оташин миллатпарварлик, миллий ғурур, миллий ифтихор, ватанпарварлик, ўзи туғилиб вояга етган заминга, унинг фуқароларига мислсиз меҳр-мухаббат, фидойилик, садоқат туйғуларини камол топтириш, уларни шу тарзда тарбиялаб вояга етказиш, маърифатли илм фан ва маданият соҳаси ходимлари олдида турган

⁸ Б.Зиёмухаммедов ва бошқалар. Маънавият асослари. Т. УМЭ. 2000 йил.

⁹ Ш.Каримов, Р.Шамсутдинов. Ватан тарихи. Тошкент “Ўқитувчи” 1997 йил.

умумдавлат ва долзарб аҳамиятга эга вазифа ҳисобланади. Шу жиҳатдан караганда Олий таълим тизимида фаолият олиб бораётган профессор ўқитувчилар зиммасига ҳам катта масъулиятли ва шарафли вазифа юклайди.

Олий таълим муассасалари ходимлари ўз тарбияланувчилари онгига, калбига умуминсоний ва маданий меросга ҳурмат, ўз урф-одатларидан ғурурланиш ҳис-туйғуларини сингдиришга, ўз мамлакатининг ривожланишига, ижтимоий ва иқтисодий қудрати ва истиқболи учун курашга, ўз билими, иқтидори ва ақл заковатини ҳамда меҳнатини бағишлашга даъват этувчи зиёкорлардир.

Ёш Ўзбекистонимизнинг келажак бунёдкорлари бўлган навқирон ёшларимиз тақдири ва унинг истиқболини ёшлар қўлига ишониб топшириб қўйганлиги ҳали ёшлар учун катта имкониятдир. Шунинг учун бундай ёшларни характерловчи энг муҳим хусусиятлар, хоссаларни тадқиқ этишимиз лозим. Инсонпарвар демократик жамият қуриш жараёнида содир бўлаётган туб сифатий ўзгаришлар, янги типдаги баркамол инсон шахсини шакллантиришни кун тартибига қўймоқда.

Америкалик социолог Р.Мертан 1960 йилларда шахсни “Ностандарт фаолияти”га қараб ижтимоий типларга бўлишни таклиф этади. Унинг фикрига кўра, инсон фаолияти шахс ва жамиятнинг ижтимоий тузилмаси орасидаги ўзаро муносабатлар характериға эга.

Шахснинг ана шундай вазиятдаги фаолиятига қараб олим унинг қуйидаги беш типга ажаратади:

1. Жамиятда мавжуд мақсад ва вазифаларни мақсад қилиб олган шахс;
2. Мақсадга эришиш, мумкинлигига ишонмасада, воситаларни қабул қилган шахс;
3. Мақсадни қабул қилган, лекин мавжуд анъанавий воситалардан воз кечган шахс;
4. Ҳам мақсаддан, ҳам воситалардан воз кечган шахс;

5. Мақсад ва воситалардан воз кечган, айти пайтда кадрийатлар ва фаолият нормаларига асосланган ижтимоий тузилмаларни яратишга интила бошлаган шахс ҳисобланади.

Инсонпарвар шахсининг бошқа типдаги шахслардан фарқи шундаки, унинг барча фазилятлари, умуминсоний этикод, инсонларни улуғлаш кайфияти билан суғорилганлигидир.

Зеро шиддат билан ривожланиб бораётган даврнинг зарур талабларидан келиб чиқаан ҳолда фикр юритиб, келажагимиз яратувчилари бўлган ёшларимизнинг онги-тафаккурига эзгулик уруғини қадаб, уларни баркамол ва комил инсонлар қилиб тарбиялаш, вояга етказиш, ҳақиқий ватанпарвар, юртпарвар ва инсонпарвар даражасига етказиш демократик тамойиллар йўлидан изчил илгарилаб бораётган Ўзбекистонимиз олдида турган энг асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

Ҳар қандай ҷамият маънавий маданиятнинг таркибий қисми, бой билим олами бўлиб, у инсонни қаерда яшаши ва ҳаракат қилишини, умуман, дунёдаги ва ҷамиятдаги ўрнини белгилашга ёрдам беради. Маданий қадрийатлар инсон учун ўта шахсий моҳият ва мазмун касб этиб, инсон у орқали бошқа кишилар билан, бутун ҷамият билан муносабат ўрнатади. Қадрийатлар ҷамиятга манзур бўлувчи ахлоқ шакллари яратишда ва англашда инсонга ёрдам беради. Таҳсинга лойиқ жойи шундаки, инсонда бошқаларга нисбатан мунозарали эмас, балки мулоим муносабат шаклланади. Низолар туғилган ҳолларда ҷамиятни мустаҳкамлашга муносиб бўлган бартараф қилишнинг қулай усуллари топилади.

Ҷамият, аввало тарихнинг муайян бир тараққиёти босқичида табиатдан ажралиб чиққан моддий дунёнинг таркибий қисми бўлиб, ривожланувчи кишилар ҳаётининг фаолиятларининг мажмуидир. Шунингдек, ҷамият кишилиқ тарихининг муайян босқичи ёки ижтимоий тизимнинг аниқ типини ҳисобланади. Ишлаб чиқариш муносабатларининг мажмуи ижтимоий муносабатлар дейилувчи ҷамиятни, яъни тарихий тараққиётнинг муайян босқичидаги ҷамиятни вужудга келтиради.

Шахс билан жамиятнинг ўзаро муносабатлари турли тарихий даврларда турлича бўлиб, шахс маданияти жамият маданиятини белгилайди ва шахс маданияти ҳам ўз навбатида муайян бир жамият шахс маданиятини камол топтиришда ўзининг меъёрий қоидаларини белгилайди ва шахснинг маънавий эҳтиёжларини таъминлайди.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2010 йилни “Баркамол авлод йили” деб аташни таклиф этдилар. Жорий йилнинг “Баркамол авлод йили” деб эълон қилингани бу йўлдаги эзгу саъй-ҳаракатларни янги, юксак босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда. Баркамол авлод - жамият тараққиётининг асосидир. Шу боис, юртимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, соғлом авлод деганда, аввало, соғлом насл, жисмонан бақувват, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлод тушунилади.

Жисмонан ва маънан баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги ислохотларимиз жамиятнинг бошқа соҳалари билан чамбарчас боғланган ҳолда, тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, тиббиёт, таълим ва спорт соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади ҳам ёш авлодни соғлом ва етук инсон қилиб тарбиялашдир.

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама соғлом вояга етишлари учун шарт-шароитлар етарли. Иқтидорли ўғил-қизларнинг изланувчанлиги, ижтимоий фаоллиги, ташаббускорлигини ошириш ва рағбатлантириш, соғлом авлодни камолга етказишнинг мукаммал тизими шакллантирилган. Шу ўринда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” спорт мусобақалари бераётган юксак самаралар, болалар

спортини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Энг муҳими, ўз Ватанининг тақдири, унинг бугуни ва келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган кадрлар тайёрлаш йўлида амалга оширилган залворли ишлар ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикасида 2010 йилнинг “Баркамол авлод йили” деб эълон қилингани муносабати билан “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарорида мазкур йилда режалаштирилган ва бажарилиши лозим бўлган ўта муҳим ишлар кўрсатиб берилган.

“Баркамол авлод йили” Давлат дастури, ўз навбатида, навқирон авлодга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш борасида амалга оширилаётган том маънодаги тарихий ишларимизни давом эттириш ва янги поонага кўтаришга қаратилган.

Ушбу Дастурнинг мақсади мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, юртимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратишдир. “Баркамол авлод йили” Давлат дастурида акс этган мақсад ва вазифалар замирида ягона ғоя мужассам. Бу ғоя, Президентимиз таъбири билан айтганда, соғлом зурриёт, яъни жисмоний ва маънавий етук авлоднинг шаклланиши, имкониятларни рўёбга чиқариши учун зарур бўлган тизимни яратиш, ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг замонавий билим ва касбга эга бўлишини, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат.

“Таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш ўқувчилар томонидан мавжуд илмий билимларни пухта ўзлаштирилишини

кафолатловчи ёндошув ҳисобланади” деб ёзилади ўқув қўлланмасида¹⁰. Аслида ўз олдида қўйган мақсадига кўра таълимнинг таълимдан фарқи бор. Масалан, биров енгил машина сотиб олган ва уни қандай ҳайдашни ўрганмоқчи. Бу одам автомобиль ҳайдашни ўргатувчи 3 ойлик ёки 6 ойлик курсларга бориб ёзилади ва у ерда енгил машинани қандай бошқариш, йўл қодаларига риоя қилишни ўрганади. Бунда шу билимларни ўргатувчи мутахассиснинг ахлоқ-одоби, ўзини тутиши, у чекувчими, оз-моз ичкиликка ҳам ишқибозлиги борми-йўқми – бу нарсалар шогирд учун муҳим эмас, муаллим ўз касбини яхши билса, бўлди.

Умуман олганда, олий ўқув юртига муайян мутахассисликни эгаллаш мақсадида кирган талаба учун ҳам асосий ихтисослик фанлари бўйича дарс берувчи ўқитувчиларнинг ўз фанини қанчалик яхши билишлари биринчи ўринда туради. Уларнинг маънавий-ахлоқий хислатлари бу даражада муҳим эмас. Чунки мақсад касб эгаллаш, ихтисосликка оид зарурий билимларни ўзлаштириш. Демак, шогирдга керакли касбий билим бериш учун муаллимда муайян мутахассислик бўйича пухта билим ва ўқитиш методикаси бўлса етарли.

Гап фақат мутахассисликда эмас. Болани ҳаётга ўргатиш масаласи ҳам бор. Қиз бола уй ишларини, таом тайёрлашни, ёш болага қарашни, бичиштиқишни ўрганиши керак. Йигит кишига 72 ҳунар оз деганларидек, ўғил болалар учун ҳам турли ҳаётий билимлар зарур. Шунинг учун ота-оналар болаларини турли соғломлаштириш гуруҳларига, сувда сузиш, кураш тушиш, чанғи учишга ўргатувчи машғулотларга жалб қиладилар. Булар барчаси ҳаётда бир кун керак бўлади. Албатта, уларнинг ҳаммасида муайян даражада тарбиявий жиҳат ҳам йўқ эмас. Аммо комил инсон тарбияси фақат шулардан иборат десак, хато бўлади.

Таълимнинг иккинчи йўналиши ҳам бор. Бу йўналишнинг ўзига хослиги унинг биринчи навбатда тарбия мақсадларига қаратилганлигидадир. Яъни бу йўналишда таълимдан асосий мақсад болага тарбиявий таъсир кўрсатиш.

¹⁰ Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари.Т., “Фан”, 2006, с. 236.

Очиқ айтиш керак, бу йўналиш яқин ўтмишда тўлиқ мафкуралашган эди. “Совет педагогикаси” ёш авлодни тамомила коммунистик руҳда тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб белгилаб олганди. Аммо қанча жидду жаҳд қилинмасин, бу мақсадга тўлиқ эришиб бўлмади. Сабаби - бу мафкуранинг асли пойдевори қийшиқ олинган эди.

Бугунги мустақил Ўзбекистонда миллий ғоямизнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири маънавий баркамол инсон тарбияси масаласи бўлиб, зеро бусиз на юрт тинчлигини, на Ватан равнақини, на халқ фаровонлигини таъминлаб бўлади. Ўзбекистон Президентининг мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб маънавият масаласига алоҳида эътибор қаратиб келаётгани бежиз эмас. Демак, масаланинг моҳияти қандай қилиб ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий баркамол инсон бўлиб етишувини таъминлашда. Чунки Ўзбекистоннинг келажаги шуларнинг қўлидадир, улар ким бўлиб етишса, Ватан тақдири ҳам шунга яраша бўлади. Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, бу йўналишда борган сари ютуқларимиз кўзга кўриниб бормоқда. Шу билан бирга бу йўналишда назарий жиҳатдан мутлақо янгидан кўриб чиқишни давр талаб қилаётган ўта ҳассос масалалар ҳам бор.

Аввало, таълим, яъни ёшларга илм беришнинг аҳамиятини асло камситмаган ҳолда, таъкид этиш лозимки, бугунги шароитда асос урғуни тарбия масаласига қаратмоқ пайти келди. Энди “таълим-тарбия” ҳақида эмас, балки тарбия ва таълим ҳақида гапирганимиз маъқулроқ бўлиб қолди, яъни тарбия масаласини олдинги ўринга ўтказиш давр тақозосига айланди. Нафақат XVII-XVIII аср Европа маърифатчилари, балки XX аср бошларидаги ўзимизнинг маърифатчиларимиз ҳам агар болага холис билим берилса, ёш авлод тўғри йўлни ўз ақли билан топиб олади, деган ақидага қаттиқ ишонар эдилар. Ваҳоланки, ҳаёт мураккаб экан, болага холис билим беришнинг ўзи бўлмас экан, “холис билим” ниқоби остида ёш авлод онгига турли бузғунчи мафкуралар ҳам таъсир ва таъзия қўрсатиши мумкин экан. Тарихнинг охириги 70 йиллик аччиқ сабоқлари буни исбот қилди. Қолаверса, Европа маърифатчилари кўзда тутган холис билим фақат аниқ ва табиий фанларга

нисбатан бирмунча тўғри бўлиб чиқди, уларнинг терминологияси билан ифодалганда, “ижтимоий-гуманитар фанлар” тизимида, бизнинг аждодларимиз меросига таянган ҳолда бугунги кун қарашларимизга биноан олсак, “маънавий соҳасига оид фанлар” тизимида бундай холислик ва умумжаҳоний меёрлар ҳануз қониқарли мукамалликка эга эмас экан.

Юқорида тилга олинган китоб муаллифлари тўғри қайд этганларидек, “тарбия жараёни узок муддатли, мураккаб, узлуксиз бўлиб, у ўзига хос хусусиятларга эга”¹¹. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида аниқ илмий асосланган технологияларни қўллаш кутилган самарани 100 фоиз таъминлаши мумкин бўлса, ижтимоий соҳада, айниқса, таълим-тарбия йўналишида бундай натижаларни кутиш қийин, чунки инсон ва жамият ҳаётига таъсир қилувчи омиллар ҳадсиз-ҳудудсиздир. Бу дегани, албатта, ушбу соҳалардаги фаолиятни умуман лойиҳалаштириб бўлмайди, дегани эмас. Фақат биз ҳар бир соҳанинг ўзига хос жиҳатларини тўғри тасаввур қилмоғимиз ва унинг асл моҳиятига мувофиқ ёндошмоғимиз лозим бўлади.

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида таълим ва тарбия Давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб, Президентимизнинг бевосита ташаббуслари ва раҳнамоликларида ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётган “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг мантикий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумиллий дастури таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни ҳам шаклан, ҳам мазмунан замон талабларига мослаштириш, таълим сифат-самарадорлигини узлуксиз такомиллаштириб боришга йўналтирилди.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган маърузаларида таъкидлаганларидек, “Таълим соҳасидаги ушбу буюк дастурларимизни ўз вақтида, узокни кўзлаб ишлаб чиққанимиз ва амалга оширганимиз нақадар

¹¹ Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбикий асослари.Т., “Фан”, 2006, с. 236.

тўғри бўлганлигини бугун мамлакатимиз эришган юксак марра ва натижалар яққол намоён этмоқда”.

Президентимиз яна бир бор таълим тизими олдида турган устивор вазифаларни аниқ белгилаб бердиларким, уларни тўлақонли қилиб бажариш биздан янада кўпроқ масъулият, ташаббускорлик ва фидойиликни талаб этади. Зеро, бу ишлар пировард натижада Юрт келажаги - фарзандларимизнинг камоли ва Ватаннинг эртанги тараққиёти учун хизмат қилади.

2008-2009 ўқув йили халқ таълими тизимида “Таълим муассасаларида ижодий муҳитни ривожлантириш ўқув йили”, 2009-2010 ўқув йили эса – “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ўқув йили” деб эълон қилинди.

Мазкур ўқув йилларида ҳар бир таълим муассасасида соғлом ижтимоий-психологик, ижодий ва маънавий муҳитнинг барқарор бўлишига эришиш, таълим ва тарбия жараёнига салбий таъсир кўрсатувчи ҳар қандай ҳолатларга барҳам беришга жиддий киришилди.

Республикадаги барча ҳудудларда 20 та фан йўналишида ўз фанини чуқур билган, юқори касб маҳоратига эга бўлган 4000 нафар “Устоз-ўқитувчи” аниқланиб, уларнинг ҳар бирига 3 нафардан, жами 12000 нафар “Шогирд-ўқитувчи”лар бириктирилди. Улар тўғрисида ягона маълумотлар базаси шакллантирилиб, Халқ таълими тизимида “Устоз-шогирд” мактаби амалиётини жорий этилди.

“Устоз-шогирд” мактаби моделининг моҳияти шундаки, устоз-ўқитувчи ўзига бириктирилган 3 нафар шогирдлари ишлайдиган мактабларда ҳар ойда 2 марта ”Намунали дарс” ўтиб беради, уларнинг дарсларини кузатиб таҳлил қилади, фикр-мулоҳазаларини билдиради, ҳар ойнинг сўнгида эса шогирдларининг ютуқ ва камчиликларини муҳокама қилиб, йўл - йўриқ кўрсатиб боради. Шогирд-ўқитувчи ҳам ойига 2 марта устозининг мактабига келиб, унинг дарсларини кузатиб, тажриба ўрганади.

Шу тарика, ўқитувчилар, айниқса ёш ўқитувчиларнинг касбий малакаси ва педагогик маҳоратини ошириб бориш билан таълим сифати ва самарадорлигини ошириш кўзда тутилган.

Амалга оширилаётган мазкур тадбирлар таълим тизимида ворисийлик педагогикасининг ўзига хос моҳиятини ифодалаб, анъана ва манавий меъросимиз “Устоз-шогирд” мактабини ривожлантириш учун лозим бўлган моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратилаётганлигини кўрсатади.

“Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак” – дейилади “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида.

Демак ҳар бир ўқувчининг бетақрор эканлигининг, унинг тарбияси руҳий ҳолати ва кайфиятига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлишини унутмаслик лозим. Таълим муассасисидаги ҳар бир педагог ўқувчининг қалбидан чуқур жой олиб, ҳурмат эҳтиромига сазовор бўлиб, унинг энг яқин кишиларидан бирига айланса, қувончи ва ташвишига шерик бўлишни билса, муаммоли вазиятларда тўғри йўл кўрсатиб, елкадош бўлса, тарбиядан кўзланган мақсадларимизга эришиш осон бўлади.

Аксинча эса ўқувчининг мактабга, дарсга, умуман олганда таълимга бўлган иштиёқи пасаяди, маънавий – маърифий ишлар таъсирчанлигини йўқотади.

Шунингдек, ибрат тарбияси – миллий педагогиканинг ноёб дурдонаси бўлиб, ўқувчиларнинг маънавий камолотида ҳар бир педагог шахсий ибрат ва намуна кўрсатиши лозим. Агар ўқитувчи ташқи кўринишдан тортиб хулқ-атвориғача ўқувчига ибрат бўла олса, ўқувчига ташқаридан маънавий идеал қидиришнинг ҳожати қолмайди.

Ахборот-коммуникация технологиялари асрида яшар эканмиз, ўқувчиларда ахборот олиш ва тарқатиш маданиятини шакллантириш биз педагоглар олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Ўқувчиларга ҳар қандай салбий мазмундаги ахборотни қиёслаши, тўғрини нотўғридан, оқни қорадан ажратиши учун муқобил ахборотни ўз вақтида беришимиз лозим. Бу учун эса ўзимиз барча оммавий ахборот

воситаларидаги маълумотлардан хабардор бўлишимиз, тинмай ўз устимизда ишламиз, тажриба алмашишни кенг йўлга қўйишимиз лозим.

Шу ўринда ўсиб келаётган авлодни жаҳон тараққиёти ютуқлари ва инсонпарварлик ғоялари билан озиқлантириш таълим тизими ходимлари, айниқса умумтаълим мактабларида фаолият олиб бораётган ўқитувчиларининг зиммасига катта маъсулият юклайди.

А.Дистерберг “Ёмон ўқитувчи ҳақиқатни беради, яхшиси-уни топишни ўргатади”, деб таъкидлаган эди.

Ўтказилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги ўқувчиларнинг аксарияти (масалан, юқори синф ўқувчиларининг 70-75%) ўқишга қизиқмай қўйди. Бунинг асл сабабларидан бири дарс мобайнида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида дўстона, самимий мулоқотнинг, ҳамкорликнинг йўқлигидир. Айниқса, “Устоз-шогирд” анъаналарининг муттасил равишда ривожлантирилма-ганлигидир. Бундай ҳолат мактабларимизда халқ тарбияшунослари ва педагогик руҳшунослар ҳурматини тўғри йўлга қўйилмаганлиги билан изоҳланмоқда. Айрим фан ўқитувчилари ўзларининг заиф томонларини ёпиш, кўрсатмасликка ҳаракат қилиш мақсадида ўқувчиларга ортиқча талаблар қўядики, бу ҳолатни ўқувчи тез англаб олади.

Бу ҳолатнинг келиб чиқишига ўқитувчиларнинг касбий салоҳияти етарли бўлмаганлиги, дарс жараёнида улар томонидан илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини ниҳоятда паст даражада қўлланилаётганлиги, ўқитувчиларнинг ўз устида ишлашга етарли даражада эътибор бермаслиги каби омиллар сабаб бўлади.

Бугунги кун замонавий педагогика фанининг долзарб муаммоларидан бири таълимнинг тарбиявий аҳамиятини очиб бериш орқали ўқувчиларда ижтимоий ҳамкорлик, инсонпарварлик, ватанга ва халқига садоқат, маънавий анъаналарга содиқлик руҳида тарбиялашдан иборат.

Шу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки ўқитувчиларимиз учун ўқувчиларида қуйидаги кўникмаларни шакллантириш муҳим ва аҳамиятли ҳисобланади:

- изланувчанлик ва ижодкорлик;
- янгилик ва дунёвий билимларни олишга очиқлик ва ҳаракатчанлик;
- мустақил фаолий компитентлилиги;
- билимдонлик;
- эркин фикрлаш ва бошқалар.

Эркин тафаккур шахс фаолиятини оширганидек, уни бунёдкорлик ишларига ҳам илҳомлантиради. Бундай қобилиятларни ўқувчиларда шакллантиришнинг турли хил восита ва йўллари мунтазам равишда излаш ўқитувчи фаолиятига ҳам янгича маъно ва мазмун бахш этади ҳамда унинг ҳаётий позициясини ривожлантиради.

Таълим тизимида ворисийлик педагогиканинг ўзига хос моҳиятини ифодалаб, анъана ва маънавий меросни, устоз-шогирд анъаналарини сақлаш, давом эттириш учун лозим бўлган моддий, маънавий шарт-шароитлар яратиш заруриятини билдиради. Ўқитишдаги ворисийлик малум анъаналарни сақлаш, ривожлантириш, такомиллаштириш каби мақсадларнинг муҳим шарти сифатида эътироф этилади. Бунда инсонпарварлик, миллий кадриятлар, анъаналарга содиқлик, тартибот, барқарорлик каби тушунчалар ворисийликни кафолатлайди. Шахс камолотини маънавий етук шакллантиришда педагогик маҳоратнинг ўзига хос ўрнини ворисийлик таъминлайди.

II-боб. Ўзбекистонда маданий-маърифий ишларнинг янгиланиши, ютуқлари ва муаммолари

2.1. Маданий-маърифий ишларнинг ҳолати ва истиқболлари

Бундан бир неча йиллар муқаддам халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг Тошкентда бўлиб ўтган нуфузли йиғилишида муҳтарам юртбошимиз инсоният дуч келадиган глобал муаммоларни таҳлил қилар эканлар “XXI асрда инсониятни маънавият ва маърифат асраб қолади” деган эдилар. Дарҳақиқат, оламнинг бемор аъзоларига фақат маънавиятгина малҳам бўла олади. Негаки ташқи оламнинг одобли инсон ички дунёсининг ободлигидан бошланади. Бу башарият асрлар давомида босиб ўтган йўли билан исботланган ҳаққоний хулоса.

Жаҳонда кечаётган маданий жараёнларни нафақат иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий ҳаётини қамраб олган, балки миллат маънавиятига, эртанги кун истиқболига ҳам таъсир кучини кўрсатмоқда.

Дунё халқларининг кўп асрлик маданиятига, қадриятларига турли ёт ғоя ва оқимларнинг раҳна солаётгани “оммавий маданият” ниқоби остида ғайри маънавий, ғайри ахлоқий тушунчаларнинг жамият ҳаётига суқилиб кираётгани сир эмас.

Бу жараён дунё жамиятига тобора интеграциялашиб бораётган, комил ишонч билан юксак тараққиёт йўлини танлаган мустақил Ўзбекистонимизни ҳам четлаб ўтмагани аён.

Президентимизнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида таъкидланганидек, “Минг афсуски, ...тарихий ҳақиқатни англамайдиган ёки англашни истамайдиган чет элдаги баъзи сиёсатчи ва арбоблар нафақат сиёсат ёки иқтисодиёт, балки маънавият бобида ҳам бизга ақл ўргатишга, азалий ҳаёт тарзимиз, рухий дунёмизга ёт бўлган қарашларни мажбуран жорий этишга уринмоқда. Бундай кучларнинг ғаразли муносабати, аввало, бой ва қадимий маънавиятимизга қарши қаратилгани, улар халқимизни ана

шу бебаҳо бойликдан жудо қилиш учун ҳар хил усул ва воситалар билан зўр бериб урнаётгани барчамизни ташвишлантирмасдан қолмайди, албатта”¹².

Юртимизда ушбу иллатларга қарши кураш, ёшларимизни маънавий, руҳий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳозирги даврнинг долзарб муаммосидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 1 май куни тасдиқланган “Миллий менталитетимизни юксалтириш, халқимиз турмуш тарзи ва менталитетимизга ёт бўлган ҳолатлар олдини олиш бўйича чоратadbирлар дастури”да асосий эътибор юқоридаги каби муаммоларни бартараф этишга, ёшларни ушбу иллатлардан ҳимоя қилишга қаратилган.

“Оммавий маданият” (“популяр” ёки қисқача “попкультура” Ғарбда ўтган аср ўрталарида вужудга келди) кимлардир зўр бериб таърифлаётган, тарғиб қилаётган умуминсоний маданият эмас, балки унинг мутлақо тесқарисидир. Аслида бу ҳаммани бир қолипга солиш, ўзига хосликни йўқотиш ҳаракатидир. Яъни, ўзликдан чекиниш. Минг йиллар давомида сайқал топган миллий қадриятлардан жудо этаётган, энг даҳшатлиси, айрим ёшларни домига тортиб кетаётган, таъбир жоиз бўлса, йўлдан ураётган мана шу “оммавий маданият”дир.

“Эркин муҳаббат”, шахватпарастлик, шармсизлик, зўравонлик ва худбинликни тарғиб қилиб, одамлар онгига сингдиришга қаратилган бу ҳодисага соғлом фикрни Ғарб олимлари ўз вақтида “Маданият таназзулига қўйилган қадам” деб таъриф берган эди. Бу фикр ҳақлигини бугун ҳатёнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Инсонга ғурур-ифтихор бағишлайдиган миллат, миллий қадрият, Ватан деган олий тушунчалар “оммавий маданият” даъвосига мутлақо ёт ғоялар. У ҳар бир миллатнинг ўз қиёфаси бўлиши зарурлиги, уни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш лозимлигини батамом рад этади.

Биз она Ватанни шу муқаддас заминда туғилганимиз, қолаверса, шу миллатга, маданиятга мансублигимиз учун севамиз. Улар эса ҳаммани бир хил ўйлашга, бир хил яшашга ундайди. Ота-онамиз қўйган исмда юришимиз,

¹² Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч” Т. “Маънавият”. 2008 йил, 11-бет.

момомиз эшитган ўланни тинглашимиз, боламизга алла айтишимиз, кўни-кўшни, қон-қариндош, дўст-биродарга елка тутишимиз, ёш-яланг, етим-есирнинг бошини силаб, тўғри йўлга солишимиз, кўчада тобут кўтарганларни кўрсак. Унга тобуткаш бўлишимиз улар учун ғайритабиий туюлади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, “оммавий маданият” ва терроризм бир илдиздан қувват олувчи икки бало-қазога ўхшайди. Ҳар иккиси ҳам ёвузликка йўналтирилган, яъни инсоннинг жисми-жони ва тафаккурини нишонга олади. Аммо “оммавий маданият” терроризмдан-да хавфлидир. Чунки терроризм маълум бир қатламни, маълум бир ҳудуд аҳолисини, аксарият ҳолларда жисман ўлдирса, “оммавий маданият” курраи заминнинг барча халқ ва миллатлари қиёфасини, ўзлигини, қадриятларини таг-томири билан қуришиб, кўпориб ташлашдай қабихликни кўзлайди.

Инсон ҳаётида муқаддас ҳисобланган оила қадриятларининг бузилиши, муҳаббат аталмиш олий тушунчанинг сийқаллашуви, никоҳга асосланган муносабатлар ўрнида ғайриинсоний “оила”ларнинг пайдо бўлиши кишини даҳшатга солади.

Маълумки, кино санъати инсон ҳис-туйғулари тарбиясига таъсир кўрсатувчи энг оммабоп восита ҳисобланади. Афсуски, “оммавий маданият” тарафдорлари санъатнинг бу туридан ҳам ўзларининг қора мақсадлари йўлида фойдаланишга уринишмоқда.

Кейинги вақтда турли халқаро кинофестиваль ва кўрикларда ахлоқсизлик, гиёҳвандлик, зўравонлик, бир сўз билан айтганда, маънавий тубанлик талқин этилган фильмлар кўпайиб бормоқда. Ҳатто бу фильмларни катта мукофотларга муносиб кўраётган кучлар ҳам оз эмас.

Муסיқа санъати ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Жазава-ритм, зарб ва шовқиндан иборат муסיқа маънавий-руҳий завқ олишга эмас, балки жазава-рақсга хизмат қилади. Минг афсуски, “оммавий маданият”нинг шу хилдаги айрим кўринишлари шарққа, жумладан, Ўрта Осиёга ҳам таъсир ўтказмоқда. Ёшларимиз уларга тақлид қилаётганлари, миллий муסיқамиз.

Классик қўшиқларимиздан кўра баъзан бу шовқин-суронларга эргашаётгани ҳам сир эмас.

Айрим сиёсий кучлар “Эркинлик ва демократияни олға силжитиш” ниқоби остида ғаразли ниятини амалга оширишга уринмоқда.

Бундай вазиятда миллий қадриятлар, халқона таълим-тарбия ва ички маданият одамларни ҳар қандай бало-қазодан асрайди. Фақат шу йўл билангина унинг олдини олиш, яқинлашиб келаётган муқарар ҳафдан миллатни омон сақлаб қолиш мумкин. “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида юртбошимиз таъкидлаганларидек: “Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчилиққа ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча-қаерда ҳушёрлик ва жонқуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади”.¹³

Глобаллашиб бораётган бугунги дунёда теран назар ташласак, айрим ривожланган давлатлар ахборот хуружи ва мафкуравий таъсири орқали геосиёсат юритишга уринаётгани ҳам кўзга ташланади.

Президентимиз уқтирганидек, “Баъзан беозор бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади”.¹⁴

Ёш авлодни турли бизга ёт бўлган хавфли таъсирлардан асрашда уларда кучли иммунитет ҳосил қилиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Болаларимизнинг ҳаётга бўлган соғлом муносабати миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида шаклланиши, дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳияти, сабаб ва оқибатлари ҳақида мустақил фикр-мулоҳазага эга бўлиши сув ва ҳаводай зарурдир.

Ижтимоий-маданий фаолият билан ёнма-ён, паралел ва бир вақтнинг ўзида модернизация жараёни ҳам келмоқда, унга кўплаб мамлакатлар ва

¹³ Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч” Т. “Маънавият”. 116-бет.

¹⁴ Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч” Т. “Маънавият”. 126-бет.

минтакалар тортилган бўлиб, улар шу йўл орқали ўзларидаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий ва техникавий қолоқликдан чиқишга уринмоқдалар. Шунинг баробарида модернлашув жараёнидаги кўплаб субъектлар «жорий» характердаги масала ва муаммолар билан шу қарор бандларини, уларнинг глобаллашув ҳақида ўйлашга вақтлари ҳам топилмайди. Аммо реал ҳолатда эса у ёки бу томондан олиб қаралганда ҳам бу икки мега анъаналар-глобаллашув ва модернлашув шу қадар, ўсиб кетишганки, улар умумий жараён сифатида характерланишади. Уларни янги давр изланишлари деб аташ ҳам мумкин. Ўсиб бораётган глобаллашув модернлашув жараёнининг классик моделига шу қадар кўп изоҳлар олиб кирмоқдаки, кўплаб мутахассислар буни трансформация ёки қурилма деб ҳам атамоқдалар. Худди шу маънода ижтимоий-маданий фаолиятни ўз-ўзини янгилашни, “замонавийлаштиришни” муҳим ресурси деб қараши мумкин ва керак. Бу икки феномен бир-бири билан нафақат кучайтирилган ўзаро боғлиқлик билан боғланган, балки умумий, яъни бутун дунё ҳамжамиятини инсоният яратган цивилизацияни сақлаб қолиш ғояси билан бирлаштиради, уларнинг истиқбол режалари келгусида “биринчи рақамли” умуминсоний, умумсайёравий муаммоларга айланади.

Ижтимоий-маданий план ва контекстда шуни таъкидлаб ўтиш муҳимки, трансформация жараёнининг тажрибаси анъанавий жамиятдан янги даврга кўчишнинг бир ўлчови ва бир хил маънодаги социум тараққиётнинг бир текис характердаги классик тасаввурларини емириб бормокда. Кўриниб турибдики, модернлашув “тайёр намуналар”га тақлид билан боғланибгина яшай олмайди, балки анаънавийлик ва замонавийлик элементларини синтезлаш йўллари топиш мақсадида ҳаракат қилмоқда. Бу ерда гап ҳамманинг ҳулқида ёки ҳамма нарсани ўйлашда қандайдир «алоҳида йўл» топишга интилишида эмас, балки аввалги ижтимоий тараққиёт ва таназзул мезонларидаги ювилиш, етишмовчиликлар бўлиб, айти пайтда улар кўпчилик томонидан қайта ишлаб чиқарилмаяпти ва жуда камчилик қисмигина қизиқтиради.

Кўплаб мамлакатлар ва халқлар қайта қуриш йўлига борган сари жадаллик билан кириб борар эканлар, жамиятни янгилаш дастурини ўзликларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқмоқдалар, анъанавийликни инновацион фаолият билан уйғунлаштирмоқдалар. Ҳар бир аниқ вазиятда ғарб сиёсий маданиятининг асосидаги ютуқларини ўзлаштиришда ижодий изланишлар, муайян шахслар талаб этилади ва улар у ёки бу мамлакатнинг миллий ва маданий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Худди шу тамойилларга амал қилинса, ўша ерда тараққиёт йўқотишларсиз қўлга киритилади ва шунга боғлиқ ҳолда, ёт нарсдай эмас, балки ўзиники сифатида қабул қилинади.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда модернлашув ғарбда вестеринлашув сифатида эмас, либераллашув сифатида қаралмоқда, Шарқда эса либерал кадриятларга ҳурмат билан қарагандек қабул қилинмоқда, уларга танқидий ёндошлса-да, буткул рад этиша олмаяпти.

Бундай умид туғдирувчи анъанани кўриш ва уни ҳар томонлама қўллаб-қуватлаш, шу йўл орқали модернлашувни “анъаналар ўртасидаги жарлик” деб тушунувчи мавжуд афсоналарга қарши бориш зарур. Антианъанавийлик улкан фойда келтириши мумкин, бунинг учун анъанавийлик босими шахсга пасайиб бориши ва жамият унга (шахсга) янги яратувчилик имкониятлари сифатида қараши лозим бўлади.

Глобал ижтимоий – маданий алмашув бугунги кунда зиддиятларнинг ўзига хос бирлиги сифатида талқин этилади – инсоният кадриятларининг “юқорига кўтарилиш ўйинлари” ва “пасайиш ўйинлари”. Бу икки анъананинг қай бири дунёни эгаллаб олиши глобаллашувнинг ўзига боғлиқ, яъни у ўз тақдирини ўзи ҳал қилади.

2.2. Маънавий баркамол инсонни шакллантиришда маданий-маърифий муассасаларнинг ўрни.

Ёш авлодда нафақат ўз ҳаёти, оила аъзолари, Ватани ва миллати олдидаги, балки атроф-табиат, бутун курраи замин ва жами башарият олдидаги масъулият туйғусини шакллантириш бугунги кун таълим-тарбия тизимининг энг муҳим масаласи бўлиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маънавиятга қарши турли хуружлар ҳақида гапирар экан, таъкидлаб ўтадики: “Бу ҳақда гапирганда, фақат битта миллат ёки халқ ҳақида фикр юритиш масалани ўта тор тушуниш бўлур эди. Яъни, бу ўринда сўз фақат бизнинг маънавиятимизга қарши қаратилган тажовузлар ҳақида, азалий фазилатларимиз, миллий қадриятларимизни ана шундай хужумлардан асраш хусусидагина бораётгани йўқ. Муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ушбу муаммони кенг миқёсда, дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари ҳаётига дахлдор масала сифатида ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқдир”. Масалага бундай кенг қамровли ёндошув кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Бизнинг улуғ аجدодларимиз барчаси “ўз ижоди билан нафақат икки дарё оралиғидаги халқларни, балки бутун башарият фарзандларини доимо меҳр-оқибатли, дўст-биродар бўлиб яшашга” даъват этиб келганлар.

Инсоннинг қалби ва онгига жо бўлган миллий маънавий-ахлоқий негизлар уни бутун умри давомида ҳалол, пок, билимли, халқ хизматида бўлишга, Ватан равнақи ҳамда тараққиётига ҳисса қўшишга, ўзининг онгли ва эркин мушоҳада қилувчи шахс сифатида камол топишига муттасил равишда ундайди. Президентимиз И.А.Каримов доимо таъкидлаб келганидек: “...фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятларимиз асосида, ўз фикру тафаккури ва замонавий билимга эга бўлган ватанпарвар этиб вояга етказиш – барчамизнинг оталик ва оналик бурчимиздир.”¹⁵ Ватанимиз келажаги бўлган ёшларга ҳозирги замон талаблари даражасида билим ва

¹⁵ Каримов И.А. “Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз” 7 жилд, Т., “Ўзбекистон” 1998 йил.

тарбия бериш, уларни юксак маънавиятли, онги ҳар қандай салбий таъсирларга нисбатан бардошли қилиб вояга етказиш – бугунги кун таълим муассасаларининг асосий вазифасидир, чунки фақат ана шундай инсонларгина келажакда одил жамият пойдеворини ярата оладилар.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “...ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсакгина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт камол топади”¹⁶ деган сўзлари айни шу маънони англатади. Бу эса ҳар биримизнинг фарзандларимиз, ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий камолоти, ғоявий чиниқишига, ҳар хил бузғунчи ғоя ва мафкураларга қарши муросасиз курашчи руҳида тарбиялашга масъулият билан ёндашишга ундайди. Айнан фарзандларнинг камолоти – эртанги кунда барчамизнинг тинч ҳаётимизни таъминлайди. Бунинг учун уларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, уларга ҳурлик, озодлик, демократик тамойилларга асосланган жамият барпо этиш, эркин фуқаролик жамият асослари ҳақида тушунча бериш барчамизнинг бурчимиздир.

Турли миллатлар маънавиятининг ўзига хослиги камалакдаги турли ранглар товланишига монанд бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради, бойитади, аммо инкор этмайди, бир сўз билан айтганда, маънавият элларни зидлаштирмайди, балки бирлаштиради. Аслида умуминсоний қадриятларни бирор-бир алоҳида халқ яратмайди, бу қадриятларни ҳар бир халқ, ҳар бир элат ўз тарихий тажрибаси билан аста-секин шакллантириб боради ва ўзаро турлича муносабатлар жараёнида элатлар, миллатлар бир-бирини тушуниб, ўзаро маънавиятларидаги умумий жиҳатларни тадрижий англаб боради.

Минг йиллар давомида ер юзидаги турли минтақаларда яшаган халқларнинг ўзаро сиёсий, маданий, ижтимоий алоқалари ҳозирдагидек яқин бўлган эмас. Асрлар мобайнида ер юзида турли маданий минтақалар шаклланган. Европа халқларининг умумминтақа маданияти, жануби-шарқий Осиё халқлари минтақа маданияти, Ҳиндистон яримороли ва унга қўшни ҳудудларда яратилган умумий маданият ва бошқа бир қатор минтақалар

^{16 16} Каримов И.А. “Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз” 7 жилд, Т., “Ўзбекистон” 1998 йил.

маданияти - буларнинг ҳар бири ўзгасидан фарқ қилувчи қатор диний эътиқод, фалсафий мактаблар, санъат ва адабиёт, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хос уйғун бир тизимларини вужудга келтирган-ки, аҳли башарнинг бундай бебаҳо мулкани, маънавий хазиналарини бефарқлик билан бири-бирига қориштириб юбориш мутлақо ижобий натижалар бермайди.

Бутун дунё халқлари бир-бирини тушуниб яшашга интиломи лозим. Душманлик, ғайр кўзи билан қараш эмас, меҳр башариятни бирлаштиради. Бу улуғ ҳақиқатни бизнинг аجدодларимиз аллақачон англаб етганлар. Аммо ўзгани тушуниш учун, ўзгага меҳр кўзи билан боқиш учун, аввало, инсон ўзлигини англаб етмоғи керак. Ўзлигини англамаган зот ҳеч қачон ўзгани тушунмайди, уни холис қабул қилмайди. Асли миллий маънавиятимизга бугунги айрича эътибор ҳам ушбу ўзлигимизни англаб етишга бўлган кучли эҳтиёж натижасидир.

Биз миллий урф-одатларимиз, маросимларимизга баҳо бермоқчи бўлсак, бутун инсоният манфаатлари нуқтаи назарини, алоҳида шахс эркинлиги, Ватан ва миллат манфаатларини, миллий қадриятларимиз мажмуини яхлит уйғунликда олиб қарамоғимиз талаб этилади. Агар шу уйғунликка моҳиятан мувофиқ бўлса, ёхуд лоақал унга зид бўлмаса, демак, мақбул, аммо инсонлараро зиддият туғдирса, нифоқ солса, ёки ўзга шахс эркини бўғса, Ватан ва миллат манфаатларига зид бўлса, демак, мақбул эмас. Аммо миллий маънавиятимизни қадрлашимиз, уни ривожлантиришга уринишимиз, кимлардир талқин қилмоқчи бўлаётганидек, ўзга халқлар маданиятини менсимаслик ёки миллий худбинликка берилишни англабмайди, балки узоқ йиллик қарамлик асоратидан қутулиб ўзлигимизга қайтиш, ўзлигимизни англаб етишга уринишни билдиради. “Чунки ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келаётган фарзандларининг келажагини белгилашда шак-шубҳасиз ҳал қилувчи аҳамият касб этади”.

Сўнгги йилларда глобаллашув жараёнлари инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳа ва соҳаларини қамраб олаётган долзарб ҳамда кескин

муаммоларни юзага чиқармоқда. Глобаллашув баёроғи остида дунёни қайта тақсимлашга қаратилган жиддий ҳаракатлар кўзга ташланмоқда. Глобаллашув, бир томондан, дунё ҳамжамияти ҳаётини, жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатларни белгилаб берувчи етакчи омилга айланмоқда, иккинчи томондан эса, алоҳида олинган давлат ва ҳудудлар ички сиёсатини таркиб топган умумий дунёвий шароит билан мувофиқлаштириш заруратини келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам турли соҳа олимлари глобаллашув жараёнларига ўз муносабатини билдириш, бу жараёнларнинг оқибатларини талқин этиш ҳамда келажакка таъсирини ўрганишга ҳаракат қилмоқда.

Ҳар бир мамлакат аҳолиси, таркибига кўра, бир-биридан фарқ қилади. Масалан, айрим давлатларда қарилар кўпчилиқни ташкил қилади, баъзиларида эса ёшлар. Бу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси иккинчи тоифага киради.

Ёшлар – бизда эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи.

Ҳозир мамлакатимиз аҳолиси 27 миллиондан ошди. Шундан 2007 йил 23 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қатнашиш учун 17 миллиондан зиёд киши рўйхатга олинди. Демак, умумий аҳолининг 10 миллион 360 минг нафарини ҳали 18 ёшга тўлмаганлар ташкил этади.

Ёшлар, яъни 30 ёшгача бўлганлар сони эса 17 миллион 80 минг кишидан иборат. Лўнда қилиб айтганда, мамлакат аҳолисининг қарийб учдан икки қисми, аниқроғи, нақд 64% - ёшлардан иборат.

Ўзбекистонимизда оила ўртача 5 кишидан иборат. Яъни бизда жами 5 миллион 340 минг оила бор. Тимсолий қилиб айтганда, ҳар бир оила ўртача 3 нафардан болага эга. Бу – жуда яхши кўрсаткич. Масалан, Германия Федератив Республикасида оила ўртача 2,5 кишидан иборат. Тимсолий қилиб айтганда, бу ҳар 2 оилада ўртача 1 бола туғилади, дегани.

Бизда ҳар йили 500-600 минг бола дунёга келади. Ҳар йили ярим миллиондан ошиқ бола мактабнинг биринчи синфига боради. Ҳар йили шунча бола умумий таълим мактаби, коллеж, лицейни битади. Аҳоли сони ўртача олганда, ҳар 3 йилда 1 миллионга кўпаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мухтарам Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати битлан ўтказилган тантанали йиғилишида 2008 йилни “Ёшлар йили” деб эълон қилиши бежиз эмас. Бу айниқса, мамлакатимиз ёшлар юрти бўлгани учун ҳам алоҳида ва айрича аҳамиятга эга.

Юртбошимиз ўз маърузасида йилни нега айнан бундай атаганини атрофлича таҳлил этиб, жумладан шундай дейди: “Биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларни, барча эзгу орзу-ниятларимизни амалга оширишда, авваламбор, миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбия топган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги кенг кўламли ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласини муҳим принципал ва ҳал қилувчи даражага кўтарганимиз ҳаммамизга яхши аён”¹⁷.

Демак, янги замон талаблари даражасидаги ёшларни тарбиялаш – бугун ҳар қачонгидан муҳим. Чунки давлат ва жамиятни ҳали кўпдан-кўп ишлашга, ёшлар ўртасида мавжуд муаммоларни ўрганиб, уларни ҳал этишга ундайдиган масала – қанча.

Истиқлол йилларида маънавий-маърифий ишларнинг янги, давр талаби ва манфаатларига мос такомиллашган тизими шакллантирилди. Юзлаб музейлар, маданият уйлари ва саройлари, ахборот ресурс марказлари, маданият ва истироҳат боғлари оммавий муассасалар сифатида ватандошларимизга маънавий-маърифий хизмат кўрсата бошлади. Республика “Маънавият ва маърифат маркази” ташкил этилди (1994) ва унинг вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги бўлимлари ишга туширилди. Марказга Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раҳбарлик қила бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорига биноан Республика Маънавият ва маърифат

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати битлан ўтказилган тантанали йиғилиши маърузасидан.

кенгаши фаолияти ва таркибий тузилиши қайта кўриб чиқилди. Республикамиздаги маҳалла оқсоқоллари ва фуқаролар йиғинлари раисларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилари тизими шакллантирилди. Маънавий-маърифий ишларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш борасида яна қатор ижобий чора-тадбирлар амалга оширилди. Республиканинг барча вилоятлари, йирик шаҳарлари ва туманларида фаолият юритаётган маънавий-маърифий муассасалар иштирокида катта халқ сайиллари, ҳосил байрамлари, “Мустақиллик”, “Наврўз”, “Меҳржон” байрамлари, “Шарқ тароналари” халқаро фестивали, хонандалар, раққосалар, энг яхши касб усталарининг кўрик танловлари, “Ўзбекистон Ватаним маним”, “Энг улуғ, энг азиз”, “Келажак овози” ва бошқа кўрик-танловлар ўтказилмоқца.

Истиқлол йилларида биргина Тошкент шаҳрида “Туркистон” саройи, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Миллий академик театр биноси ва ғоят гўзал, маҳобатли кошона - Ўзбекистон Давлат консерваториясининг янги биноси, бошқа кўплаб иншоотлар барпо этилди.

2000 йили пойтахтимизнинг Юнусобод туманида қатағон йилларида халқимизнинг минглаб асл фарзандлари қатл этилиб, ном-нишонсиз кўмиб ташланган, неча йиллар давомида қаровсиз қолиб келган Бўзсув канали соҳилидаги Алвастикўприк деб ном олган жарлик ўрнида “Шаҳидлар хотираси ҳиёбони” ва кейинчалик шу номда музей ва жамғарма ташкил қилинди, 2001 йилдан эътиборан 31 август юртимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланадиган бўлди. Ҳар йили 31 август тонгида бу масканда халқимизнинг қадимий урф-одатларига кўра ош тортилиб, Қуръон тиловат қилиш, давлат ва ҳукумат раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллариининг бу ерга келиб, марҳумларни ёд этиши, уларнинг руҳига ҳурмат бажо келтириши ибратли анъанага айланди.

Мустақилликни қўлга киритишимиз шарофати билан мустабид тузум даврида топталиб келинган миллий урф-одат, анъана, қадриятларимиз қайта

тикланиб, бугунги миллий-маънавий тараққиётимизга хизмат қилмоқда. Юртбошимиз “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида таъкидланганидек: “Айни пайтда юртимизда миллий тикланиш жараёни қарийб бир ярим аср давом этган ижтимоий-сиёсий қарамликдан кейин дастлабки пайтларда мутлақо табиий равишда ўзига хос “инкорни инкор” қонунияти асосида кечганини айтиш лозим. Лекин биз собиқ тузумнинг мафкуравий қарашларини умуман инкор этишнинг ўзи ҳеч қандай бунёдкорлик дастурига эга бўлмаган сиёсий ва маданий экстремизм хавфини туғдириши эҳтимолини яхши англаб эдик. Шу билан бирга, тарихий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар, турмуш тарзига орқа олдини ўйламасдан, ёппасига бетартиб қайтиш бошқа бир кескинлик, дейлик, бугунги давр ҳаётини қабул қилмаслик, жамиятни янгилаш заруратини инкор эташ каби номақбул ҳолатларга олиб келиши мумкинлигани ҳам унутмаслик зарур эди. Барчамизга маълумки, миллат ва халқнинг руҳи, дунёқараши ва турмуш тарзини ифода этадиган миллий маънавиятга муносабат, уни замон талаблари асосида ривожлантириш, одамларнинг дунёқараши ва тафаккурини ўзгартириш масаласи ҳар томонлама чуқур ва пухта ўйлаб иш юритишни талаб қилади”¹⁸.

Президентимиз маънавиятнинг миллий тараққиётдаги ўрни ва аҳамияти, уни ўзлаштириш зарурлиги ҳақида тўхталиб, таъкидлаганидек: “Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади”¹⁹. Бу концептуал ғоя бугунги кунда миллий маънавиятни ривожлантиришда давлат сиёсатининг устувор тамойилларидан бири сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Бугунги кунда ОАВ, хусусан телевидение маданиятни оммалаштиришнинг асосий воситаси ва манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Аммо глобаллашув жараёнлари ва унинг йўналишларидан бири бўлган оммавий маданият экспансияси таъсирида қадриятлар тизимида содир бўладиган туб ўзгаришлар инсонда муайян ўзгаришларни келтириб

¹⁸ И.А.Каримов “Юксак маънавият енгилмас куч” Т., 2008 йил.

¹⁹ И.А.Каримов “Юксак маънавият енгилмас куч” Т., 2008 йил.

чиқариши, инсон ва жамият ўз маънавий-ахлоқий таянчларидан маҳрум этилиши мумкин. Шу маънода, Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек, “... коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “Оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак... Айниқса, ҳозирги вақтда дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, “оммавий маданият”нинг зарарли таъсиридан фарзандларимизнинг онгу тафаккурини ҳимоя қилишда илму фан ва маданият жамоатчилиги, ижод ахлининг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Нега деганда, бизнинг миллий руҳимиз ва табиатимизга ёт ва бегона бўлган ана шундай “маданият” намуналарини фақат танқид ва инкор қилиш ёки уларни тақиқлаш билан бирон натижага эришиб бўлмайди. Бундай хатарлардан ҳаётимизни асраш, маънавий бўшлиққа йўл қўймаслик учун, авваламбор, эзгу инсоний ғоялар ва юксак маҳорат билан яратилган асарлар орқали халқимизнинг маданий савиясини юксалтириш, бошқача айтганда, бугун жаҳон майдонида юз бераётган кескин ақл-заковат ва истеъдод мусобақасида беллашувга қодир бўлишимиз шарт”. Давлатимиз раҳбарининг ушбу фикр-мулоҳазаларида оммавий маданиятнинг мазмун-моҳияти, оқибатлари ҳамда унга қарши курашишнинг изчил восита ва омиллари аниқ баён этилган.

Хуллас, бугунги глобаллашув шароитида турли шаклдаги, хусусан, “оммавий маданият” кўринишидаги мафкуравий хуружларга қарши кураш, бунинг учун “халқни - халқ, миллатни – миллат” қилиш Ўзбекистон мустақиллигини асраб-авайлаш, жамиятдаги барқарорликни сақлашнинг муҳим воситасидир. Ёдда тутиш лозимки, маданият, маънавият одамлар уларда мужассам бўлган қадриятларнинг ҳаётдаги устуворлигини тан олган ва уларга амал қилиб яшагандагина яшайди. Бир-бири билан чамбарчас боғлиқ маданият ва маънавият инсоннинг инсоният олдидаги, халқ олдидаги, қолаверса, ўзи олдидаги масъулиятидир. Шу маънода, маданиятни инсон

хатти-ҳаракатлари ва фаолиятининг ички тамойилларига айланган чекловлар тизими сифатида талқин этиш мумкин. Эзгуликка, инсонийликка зид ишни, қандай шароитга тушган бўлмасин, қилмайдиган одам ҳақиқий маданиятли инсон даражасига кўтарилади.

Диний қадриятларнинг тикланишига оид қуйидаги мисоллар мамлакатимизда маънавий ҳаёт тўлақонли ва ранг-баранг кечаётганлигидан далолатдир:

2008 йил 14-15 август кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида хорижлик ва маҳаллий уламолар, олимлар ва кенг жамоатчилик иштирокида “Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси равнақиға қўшган ҳиссаси» мавзуидаги халқаро конференция; 13-14 ноябрь кунлари Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида “Ўзбекистон - ислом дунёсининг буюк мутафаккирлари юрти” мавзуидаги анжуман ташкил этилди.

1993 йил сентябрь ойида Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги нишонланди.

1995 йил ноябрь ойида Маҳмуд аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги ва Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги нишонланди.

2000 йил ноябрь ойида Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг 1130 йиллиги ва Бурхониддин ал-Марғинонийнинг 910 йиллиги нишонланди.

2003 йил ноябрь ойида Абдуҳолиқ Гиждувонийнинг 900 йиллиги нишонланди.

2003 йил 7 декабрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 60 йиллиги нишонланди.

2004 йил декабрь ойида Ҳожа Аҳрор Валийнинг 600 йиллиги нишонланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг махсус фармонлари билан Қурбон ва Рамазон ҳайитларининг биринчи кунлари дам олиш кунлари деб эълон қилинди.

1992 йил 2 апрель куни Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

2003 йил 11 август куни Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислон университети битирувчиларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

2003 йил 22 август куни Вазирлар Маҳкамасининг “Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

2003 йил 17 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, аллома меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.

2004 йил 27 май куни Вазирлар Маҳкамасининг “Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

2004 йил 16 июль куни Вазирлар Маҳкамасининг “Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди,

Мустақиллик йилларида республикамызда Қуръон (уч марта), Қадимги Аҳднинг 16 китоби ва Янги Аҳд тўлалигича ўзбек тилига ўгирилиб, нашр этилди.

Мустақиллик туфайли мусиқа, маданият, амалий ва тасвирий санъат каби йўналишлар ривожига катта эътибор берилди. Ўзбекистон машҳур мусиқа ва театр фестивалларига, ижрочилар танловлари ва кўргазмаларга ҳам мезбонлик қилмоқда. Хусусан, йил сайин иштирокчилар сони кўпайиб бораётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бутун жаҳон маданий жамоатчилиги ўртасида кенг шуҳрат қозонмоқда.

Ўзбекистон раҳбарияти аҳолининг кўпмиллатлилигини ҳисобга олиб, мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Давлатимиз миллий сиёсатининг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида баён этилган.

Миллий сиёсат қуйидаги тамойилларга асосланади:

- Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади;
- Миллатидан қатъи назар фуқароларнинг қонун олдида тенглиги;
- Давлат ва жамият бошқарувининг барча бўғинларида этник ўзига хосликларни ҳисобга олиш;
- Миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан мурасизлик;
- Ижтимоий ва сиёсий ҳаётда барча миллат ва элат вакиллариининг ҳар томонлама иштирокини таъминлаш;
- Республикада ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қиладиган партиялар ва жамоат бирлашмалари тузилиши ҳамда уларнинг фаолияти тақиқланган.

Республикада ҳозирги пайтда 27 миллат вакиллари томонидан тузилган 150 га яқин миллий маданий марказ (МММ) фаолият олиб бормоқда.

14 МММ республика мақомига эга.

31 МММ корейслар, 23 МММ руслар, 10 МММ тожиклар, 9 МММ қозоқлар, 9 МММ татарлар (3 таси татар-бошқирд МММ) томонидан тузилган.

Озарбайжонлар 8, туркманлар 7 та МММга эга.

Украинлар ва қирғизларда 6, туркларда ва Европа яҳудийларида 5 тадан МММ бор.

Немислар, поляклар ва арманлар 4 тадан МММ тузишган.

Уйғурлар ва Бухоро яҳудийлари 3 тадан МММга эга.

Белоруслар ва крим татарлар 2 тадан МММ га эга.

Араблар, болгарлар, бошқирдлар, греклар, грузинлар, литваликлар, корақалпоқлар, хитойлар ва дунганлар 1 тадан МММ тузишган.

Ўзбекистон диёрида қадимдан турли цивилизация вакиллари, маданий катламлар, хилма-хил эътиқод ва дунёқарашлар ёнма-ён яшаб келган. Бу ерда яшовчи халқ, Юртбошимиз таъкидлаганидек, бошқа жойдан кўчиб келиб, ўрнашиб қолган эмас. Бу замин ота-боболаримиз яшаб ўтган азалий ва муқаддас макондир. Бу замин Шарқ ва Ғарбнинг, Шимол ва Жанубнинг, қадим ўтмиш ва буюк келажакнинг туташган жойи, Марказий Осиёнинг юраги, инсоният тафаккури, фан ва маданиятининг энг кўҳна ўчоқларидан биридир. Бу тупроқда жаҳонни ҳайратга солган цивилизациянинг илдизлари вужудга келган, инсоният тарихининг энг қадимги даврларига мансуб диний ва фалсафий анъаналар шаклланган. Қадимги юнон файласуфи Гераклит бу юртни “фалсафий тафаккур бешиги”, деб бекорга таърифламаган. Шунини таъкидлаш жоизки, бизнинг цивилизация ўзига хос толерант тафаккур услубига таянади. Бундай тафаккур услубига бизнинг заминимизда узоқ вақт ҳам оташпарастилик, ҳам буддавийлик, ҳам яҳудийлик, ҳам христианлик, ҳам ислом динлари бўлганини мисол келтириш мумкин.

Ана шундай анъаналар Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элатлар вакилларининг туб манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-умидлари, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади.

Ушбу анъана ва тафаккур тарзининг таркибий қисми миллатлараро тотувлик ғояси бўлиб, умумбашарий қадрият, турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ҳамда барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади

***III-боб. Маданий-маърифий муассасалар фаолиятини
такомиллаштиришнинг айрим муаммолари***

**3.1. Маданий-маърифий муассасаларда маънавий-маърифий
тарғиботнинг янгича кўринишлари**

Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши туб ислохотлар ва янгиланишлар даврини бошлаб берди. Истиқлол мамлакатимизнинг кўп миллатли аҳолисига ўз иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий-маънавий янгиланишнинг улкан истиқболларини очиб берди. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларданок барча соҳаларда бўлгани каби миллатлараро муносабатлар ривожда ҳам бутунлай янги ижобий, ўзаро тотувлик, бирдамлик каби ижтимоий-сиёсий вазият юзага келди. Республикамизда бугунги кунда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшаб, давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб, жамиятнинг турли соҳаларида фаолият юритиб келмоқдалар. Президентимиз бу миллий ҳамжиҳатлик ҳақида ҳақли равишда фахр билан қўйидагича таъкидлайди, «бу заминда истиқомат қиладиган одамларнинг тарқоқ бўлиб яшашга имкони йўқ, табиатнинг ўзи, ҳаётнинг ўзи уларни шу руҳда тарбиялаган»²⁰. Дарҳақиқат, мамлакатимизда миллатлараро ҳамжиҳатлик, барқарорликни таъминланиши юзасидан жамиятимизни барча жабҳаларида туб ислохотлар ўтказиш учун шарт-шароитларни яратмоқда. Ҳозирги шароитда миллий манфаатларни, этномаданий ривожланиш муаммоларини ҳар томонлама ўрганиш ва тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик давридаги янги миллий сиёсат ўз ичига бошқа миллат кишиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, миллий озчиликнинг ҳуқуқларини камситишга йўл қўймаслик, миллатлараро зиддиятларни зудлик билан амалий ҳал этиш, бошқа миллат кишиларини ҳам ҳозирги бозор иқтисодиёти

²⁰ Ислом Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008, 9-бет.

шароитида ижтимоий ҳимоялаш каби инсонпарварлик тадбирларини амалга оширишни қамраб олди. Шунинг назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов “ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг, умумтил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши ер юзидаги маданий ва генетик фондининг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади. Шу боис ҳар бир этник бирликни сақлаб қолиш, унга мансуб одамларнинг энг муҳим мақсади бўлмоғи керак”,²¹ деб таъкидлаган эди. Шу маънода ҳозирги даврда ҳар бир миллат, элатнинг ўзлигини сақлаш, уларнинг миллий тараққиётларини таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Миллатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда миллий маданий марказлар фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Инсоннинг қалби ва онгига жо бўлган миллий маънавий-ахлоқий негизлар уни бутун умри давомида ҳалол, пок, билимли, халқ хизматида бўлишга, Ватан равнақи ҳамда тараққиётга ҳисса қўшишга, ўзининг онгли ва эркин мушоҳада қилувчи шахс сифатида камол топишига муттасил равишда ундайди. Президентимиз И.А.Каримов доимо таъкидлаб келганидек:

“...фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятларимиз асосида, ўз фикру тафаккури ва замонавий билимга эга бўлган ватанпарвар этиб вояга етказиш – барчамизнинг оталик ва оналик бурчимиздир.”²² Ватанимиз келажаги бўлган ёшларга ҳозирги замон талаблари даражасида билим ва тарбия бериш, уларни юксак маънавиятли, онги ҳарқандай салбий таъсирларга нисбатан бардошли қилиб вояга етказиш – бугунги кун таълим муассасаларининг асосий вазифасидир, чунки фақат ана шундай инсонларгина келажакда одил жамият пойдеворини ярата оладилар.

²¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон. 1997, 22-23-б.

²² Каримов И. “Биздан озод ва обод ватан қолсин”. Т. “Ўзбекистон”, 1994. 55-бет.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “...ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсакгина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт камол топади” деган сўзлари айтиш шундай маънони англатади. Бу эса ҳар биримизнинг фарзандларимиз, ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий камолоти, ғоявий чиниқишига, ҳар хил бузғунчи ғоя ва мафкураларга қарши мурасасиз курашчи руҳида тарбиялашга масъулият билан ёндашишга ундайди. Айнан фарзандларнинг камолоти – эртанги кунда барчамизнинг тинч ҳаётимизни таъминлайди. Бунинг учун уларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, уларга ҳурлик, озодлик, демократик тамойилларга асосланган жамият барпо этиш, эркин фуқаролик жамият асослари ҳақида тушунча бериш барчамизнинг бурчимиздир”.

Турли миллатлар маънавиятининг ўзига хослиги камалакдаги турли ранглар товланишига монанд бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради, бойитади, аммо инкор этмайди, бир сўз билан айтганда, маънавият элларни зидлаштирмайди, балки бирлаштиради. Аслида умуминсоний қадриятларни бирор-бир алоҳида халқ яратмайди, бу қадриятларни ҳар бир халқ, ҳар бир элат ўз тарихий тажрибаси билан аста-секин шакллантириб боради ва ўзаро турлича муносабатлар жараёнида элатлар, миллатлар бир-бирини тушуниб, ўзаро маънавиятларидаги умумий жиҳатларни тадрижий англаб боради.

Минг йиллар давомида ер юзидаги турли минтақаларда яшаган халқларнинг ўзаро сиёсий, маданий, ижтимоий алоқалари ҳозирдагидек яқин бўлган эмас. Асрлар мобайнида ер юзида турли маданий минтақалар шаклланган. Европа халқларининг умумминтақа маданияти, жануби-шарқий Осиё халқлари минтақа маданияти, Ҳиндистон яримороли ва унга қўшни ҳудудларда яратилган умумий маданият ва бошқа бир қатор минтақалар маданияти - буларнинг ҳар бири ўзгасидан фарқ қилувчи қатор диний эътиқод, фалсафий мактаблар, санъат ва адабиёт, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хос уйғун бир тизимларини вужудга келтирган-ки, аҳли башарнинг

бундай бебаҳо мулкани, маънавий хазиналарини бефарқлик билан бирига қориштириб юбориш мутлақо ижобий натижалар бермайди.

Бутун дунё халқлари бир-бирини тушуниб яшашга интиломи лозим. Душманлик, ғайр кўзи билан қараш эмас, меҳр башариятни бирлаштиради. Бу улуғ ҳақиқатни бизнинг аجدодларимиз аллақачон англаб етганлар. Аммо ўзгани тушуниш учун, ўзгага меҳр кўзи билан боқиш учун, аввало, инсон ўзлигини англаб етмоғи керак. Ўзлигини англамаган зот ҳеч қачон ўзгани тушунмайди, уни холис қабул қилмайди. Асли миллий маънавиятимизга бугунги айрича эътибор ҳам ушбу ўзлигимизни англаб етишга бўлган кучли эҳтиёж натижасидир.

Биз миллий урф-одатларимиз, маросимларимизга баҳо бермоқчи бўлсак, бутун инсоният манфаатлари нуқтаи назарини, алоҳида шахс эркинлиги, Ватан ва миллат манфаатларини, миллий қадриятларимиз мажмуини яхлит уйғунликда олиб қарамоғимиз талаб этилади. Агар шу уйғунликка моҳиятан мувофиқ бўлса, ёхуд лоақал унга зид бўлмаса, демак, мақбул, аммо инсонлараро зиддият туғдирса, нифоқ солса, ёки ўзга шахс эркини бўғса, Ватан ва миллат манфаатларига зид бўлса, демак, мақбул эмас. Аммо миллий маънавиятимизни қадрлашимиз, уни ривожлантиришга уринишимиз, кимлардир талқин қилмоқчи бўлаётганидек, ўзга халқлар маданиятини менсимаслик ёки миллий худбинликка берилишни англамайди, балки узоқ йиллик қарамлик асоратидан қутулиб ўзлигимизга қайтиш, ўзлигимизни англаб етишга уринишни билдиради. “Чунки ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келаётган фарзандларининг келажагини белгилашда шак-шубҳасиз ҳал қилувчи аҳамият касб этади”.

Инсонга фақат атроф-воқелик ҳақида, одобу ахлоқ қоидалари ҳақида билим беришнинг ўзи унинг маънавий-ахлоқий тарбияси учун етарли бўлмайди. Унда ирода қудрати, масъулият туйғусини шакллантириш, кўнглида атроф-табиатга, меҳнатга, касбга, илмга, ўзга инсонларга меҳр

уйғотиш, дилида улуғ мақсадлар туғилишига эришиш лозим. Масалан, тан олиб айтиш керакки, Ватан ёки Адолат туйғуси ҳақида китобларда ёзилганларни ўқиб чиққан одам дарҳол Ватаннинг қадрига етадиган, ёки Адолатга хиёнат қилмайдиган бўлиб қолади, деб тасаввур қилиш ўта соддалик бўлур эди. Ҳар бир инсон Ватан, Миллат, Адолат тимсол-тушунчаларининг ўз руҳидаги пойдор маънавий қадриятларга айланиши учун ўзгалар ибратида синаши, бу йўлда риёзат чекиши, уларга нисбатан кўнглида меҳр уйғониши зарур. Бунга турли йўллар, турли воситалар билан, биринчи навбатда ёш авлод тарбиясига самимий (чин кўнгилдан) ва изчил ёндошув, тинимсиз изланишлар билан эришилади.

“Бизнинг улуғ аجدодларимиз, - деб ёзади Президент, - ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тил билан айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли деб биламан.”²³

Шу гапга кичик бир мисол:

Маълумки, имон-эътиқод маънавиятнинг умуртқа поғонаси ҳисобланади. Халқимизда бировни “имонсиз” деб аташ энг оғир ҳақоратдир. Биз динимиз ислом деймиз, Қуръони каримда ёзилишича, Аллоҳ бани башарни ўзига ибодат қилиш учун яратган. Лекин кўпчилик исломий ибодатлар деганда, намоз, рўза, закот, ҳаж амалларини кўз олдида келтиради. Буюк тасаввуф пири Баҳоуддин Нақшбанд эса Расулуллоҳ (сав)нинг қуйидаги ҳадисини келтиради: “Ибодат ўн қисмдир, унинг ўндан тўққизи ҳалол ризқ топиш ҳаракати, қолган барча ибодатлар ўндан бирини ташкил этади.” Аҳмад Яссавий ва Абдуҳолиқ Ғиждувонийларнинг пири муршиди ҳисобланган шайх Юсуф Ҳамадонийнинг “Ҳаёт мезони” асарида Пайғамбаримизнинг яна бир ҳадислари келтирилади: “Мусулмон бўлмагунларингизча жаннатга кирмайсизлар, бир-бирларингизга самимий

²³ И.Каримов "Озод ва обод ватан. Эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз." Т. "Ўзбекистон" 2000 йил 36 бет

меҳр кўймагунларингизча мусулмон бўлмайсизлар.” Шу сабабли биз фарзандларимизга имоннинг асосий шарти ҳалоллик, адолат ва инсонга, табиатга меҳр дебуқдиришимиз, нафақат уқдиришимиз, балки шу йўлда ўзимиз ибрат бўлишимиз шарт.

Президент китобида “инсон маънавий оламининг юксалиши” деганда нимани тушуниш керак, деган саволга аниқ ва лўнда жавоб берилган: “Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш”. Аммо муаллиф яна таъкидлайдики, ушбу қондани тушуниш ва эътироф этишнинг ўзи кифоя эмас, балки айна шу эътиқодга амал қилиб яшаш – “одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон”дир.

“Такрор айтишга тўғри келади – ота-оналар, устоз-мураббийлар бу масалада ҳушёрликни йўқотмаслигимиз, ёшлар тарбиясида асло бепарво бўлмаслигимиз зарур.”Президентнинг ҳушёрликни йўқотмаслик, бепарво бўлмаслик хусусидаги уқдиришларини тўғри тушунадиган бўлсак, бу дегани ёш авлодга тўғри таълим бериш билан бирга, ҳар бир айтган сўзимизга аввало ўзимиз риоя қилишимиз керак бўлади. Масалан, “илм ол” дедикми, ўзимиз умр бўйи илмимизни ошириб, пухталаб боришдан тўхтамаслигимиз керак; “ҳалол ва адолатли бўл” дедикми, ўзимиз фарзандларимизни ҳалол лўкма билан боқаётганимизга, ўз фойдамизни кўзлаб бировга зулм бўладиган хатти-ҳаракатдан сақланишга қатъий уринмоғимиз лозим бўлади. Ана шундагина болаларимиз келажагидан хотиржам бўлишимиз мумкин.

“Ўз-ўзидан равшанки, бугунги замон воқеликка очик кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда.”

Албатта, барча муаммоларни бир кунда, бир ҳамла билан ечиб бўлмайди. Маънавий баркамол авлодни тарбиялаш бир умрлик иш. Мустақиллигимиз бу саъй-ҳаракатларимиз самарали бўлишининг ишончли

кафолатидир. Аммо ҳар бир ишда ёлғон қадамлардан, осон ечимлар қидиришдан эҳтиёт бўлмоғимиз жуда муҳим. Ҳар бир ишда қийинчиликни бўйнига олган одам ҳақиқий ютуққа эришади. Айниқса, биз зиёлилар, ёш авлод тарбиячилари ўз вазифамизга масъулият билан ёндошсак, “фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш”дан, шу йўл билан улар онгида “мафкуравий иммунитет” ҳосил қилишга уринишдан чарчамасак, миллатимиз яна буюк миллат бўлади, авлодларимиз аجدодларимизга муносиб қудрат касб этади. Муаллимнинг меҳнати самараси узоқ келажакка уланиб кетадиган эзгу меҳнат. Келинг, авлодни боқийликка элтувчи меҳнатдан эринмайлик, токи Президентимизнинг, халқимизнинг ёруғ орзулари ушалсин, “ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин”²⁴.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан кейин ўтган йиллар давомида демократик, барқарор тараққиётимизнинг барча соҳаларида бўлганидек, ўзбек халқининг миллий анъана, урф-одат, маросим, байрам, кадриятларини тиклаш, такомиллаштириш ва ривожлантириш йўлида кўдан-кўп ютуқларга эришилди. Зеро, мухтарам Президентимиз ҳақли равишда таъкидлаб ўтганидек, - “Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф – одат ва анъаналари, ҳаётий кадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”.

Мустақиллик йилларида миллий анъана, урф-одат, маросим, байрам кадриятларимиз ўзининг объектив, ижтимоий - аънавий ҳодиса, жараён сифатидаги тадрижоти (эволюцияси), тубдан ўзгариб, такомиллашиб бориши билан бир қаторда уларни илмий – социологик, фалсафий,

²⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: 2008. 29 – 30 бетлар.

маданиятшунослик, аксиологик, яъни илмий – назарий ўрганиш, тадқиқ этиш жараёнлари ҳам жиддий тадрижотга учради. Ана шу жараёнларни аксиологик, маданиятшунослик жиҳатидан ўрганиш, умумлаштиришнинг ҳам назарий – методологик, ҳам амалий – ташкилий жиҳатларига кўра қатор долзарб муаммолари мавжуд.

Зеро, мустақил Ўзбекистонда маънавият, маърифат, анъана, қадрият, урф-одат, маросим, байрамларга биринчи даражали давлат сиёсати даражасидаги ижобий муносабат қарор топмоқда.

Шунинг учун ҳам Президент И.А.Каримов бир томондан халқимизнинг ўз анъана, маросим, урф-одат, байрам, қадриятларини асраб - авайлаб, эъзозлаб сақлаш, уларга қадрлаш анъанасидан келиб чиққан ҳолда, бошқа томондан эса Ғарбий Европанинг илғор фалсафаси, социологияси, аксиологияси, маданиятшунослигининг анъана, урф-одат, маросим, уларга ижобий муносабатни ўзида жо қилган замонавий илмий тадқиқот усуллари, принципларини татбиқ этиш, улардан ижодий ва танқидий фойдаланишга оид ҳам амалий, ҳам назарий методологик хулоса ва ечимларни бермоқдалар. Ижтимоий фан соҳаси вакиллари, айниқса, файласуфлар олдида “Ўзбек миллий фалсафаси”ни яратишдек юксак вазифани қўймоқдалар. Натижада, Ўзбекистондаги ижтимоий фанлар, шу жумладан социология, фалсафа, маданиятшунослик, аксиология фанлари соҳаларида мазкур муаммоларни ўрганиш, тадқиқ этиш ва баҳолаш жараёнлари эволюцияси тубдан, сифат жиҳатдан янгиланиш, ўзгариш, такомиллашиш томон кескин ўзгармоқда. Бу эса мустақил Ўзбекистон демократик, барқарор тараққиётининг муҳим жабҳаси бўлган маънавият, маърифат, миллий анъана, урф-одат, маросим байрамлар, қадриятларга нисбатан олиб борилаётган ижтимоий - маданий сиёсатнинг илғор ютуғи сифатида эътироф этишга лойиқдир.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг ижтимоий маданий фаолият тубдан ўзгарди. Бу соҳада таркибий ўзгаришлар тадрижий тарзда амалга

оширилмоқда. Мазкур ўзгаришлар натижасида ижтимоий маданий фаолиятнинг асосий иш функциялари таркиб топтиради. Улар қуйидагилар:

- Ўзбекистоннинг мустақил ривожланишини таъминловчи беш асосий тамойилнинг ҳаётдан мустаҳкам ўрин олишига кўмаклашишдир;
- Аҳоли турли қатламларида мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар жараёнига бевосита дахлдорликни шакллантириш;
- Ҳеч кимдан кам бўлмаган шахс, жамият ва давлатни шакллантиришга фаол кўмаклашиш;
- Жамиятда хушёрлик, сезгирлик, огоҳликни таъминлашда аҳолининг фаровонлигини ошириш;
- Аҳолини бунёдкорлик фаолиятига йўналтириш;
- Аҳолини маданият, санъат, техника, хунармандчилик ва спорт машғулоти, клублар, тўғаракларга тўлиқ қамров тамойили асосида кенг жалб этилишига эришиш;
- Одамларда миллий анъаналар, урф-одатлар, қадимий байрамларимизга эҳтиром туйғусини таркиб топтириш орқали миллий ўзликни англашга кўмаклашиш;
- Аҳоли турли табақалари вакилларида истиқлол рамзлари, байрамлари, идеалларига садоқат, фидойилик фазилатларини шакллантиришга хизмат қилиш;
- Одамларда бадиий эстетик диднинг юқори даражада шаклланишига хизмат қилиш;
- Аҳолида оила муқаддаслиги қадриятининг мустаҳкамланишига фаол хизмат қилиш;
- “мактаб — оила — маҳалла” ҳамкочилигини таъминлаш орқали ижтимоий маданий фаолиятни ривожлантиришга эришиш;

- Турли ижтимоий ҳаракатлар, нодавлат ташкилотлар, партиялар, миллий-маданий марказлар билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- “Замонамиз қаҳрамони” образини ҳудуддаги реал шахслар тимсолида яратиш орқали ибрат омилини кенг тарғиб этиш;
- Ҳар бир инсонга хос бўлган истеъдодни аниқлаш йўлида доимий фаолият олиб бориш ва уларнинг ҳудудий интеллектуал салоҳият харитасини ишлаб чиқиш;
- Жамиятдаги ижобий ўзгаришларни реклама қилиш орқали ёшларда фаол бунёдкорлик фазилатларини шакллантириш;
- Ҳудуднинг ижтимоий-маданий ривожланиш имкониятлари бўйича асосланган амалий прогнозлар яратиш ишларини олиб бориш;
- Истиқлол йилларида шу тариқа ижтимоий маданий фаолият мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислотҳотларнинг узвий бўғинига айланди.

Бугунги кунда ижтимоий маданий фаолият касби эгалари қуйидаги соҳаларда ишлашлари мумкин:

1. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги муассасаларда маданият ва аҳоли дам олиш маркази клублар, музейлар, парклар);
2. Турли ижтимоий ҳаракатлар, партиялар, нодавлат ташкилотлари ва қўшма корхоналарда;
3. Ижтимоий ва тижорат реклама муассасаларида;
4. Маҳаллий ҳокимият тузилмаларида, маҳалла бўғинларида;
5. Оммавий ахборот воситаларида, радио ва телевидениеда;
6. Социологик марказлар, илмий тадқиқот институтларида;
7. Миллий маданий марказларда;
8. Концерт ташкилотларида (санъат менежери, продюссер)
9. Миллий маданий меросни сақлаш ва уни тарғиб этувчи муассасаларда.

10. Педагогик фаолиятларни ташкил этишда;

Хуллас, ижтимоий-маданий фаолият касбининг имконият доираси кенг бўлиб, бозор муносабатларининг талаб ва таклиф тамойили талаблари асосида эркин фаолиятларини йўлга қўйишга йўналтирилгандир²⁵.

²⁵ Юнусов А. Ўзбекистонда ижтимоий маданий фаолият таълими тараққиёти. М.Бекмуродов “Ижтимоий маданий фаолият эволюцияси” Илмий мақолалар тўплами. Т. 2011 йил.

3.2. Маданий-маърифий муассасаларда миллий ва умуминсоний кадриятлар тарғиботи муаммолари (Тошкент шаҳар марказий маданият ва аҳоли дам олиш маркази мисолида)

Мустақиллик йилларида ҳукуматимиз томонидан маданий-маърифий масалаларга жиддий эътибор берилиб, ёш авлодни ҳар томонлама камол топтиришда маданий-маърифий муассасалар, жумладан: музейлар, маданият ва аҳоли дам олиш маркази, маданият ва истироҳат боғларининг иш фаолиятларини замон руҳига мос руҳда ўзгартириш бош масалалардан бири бўлмоқда.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда 6 минг клуб ва маданият ва аҳоли дам олиш маркази, 17 минг кутубхона, ахборот ресурс марказлари, 320 та музей, ҳамда 120 та маданият ва истироҳат боғлари меҳнаткашларга хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда 12 минг кишидан иборат олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган маданий-маърифий соҳа ходимлари фаолият юритишмоқдалар²⁶.

Мазкур ташкилотлар туманлардаги маънавият ва маърифат марказлари билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқдалар.

Тошкент шаҳар марказий маданият ва аҳоли дам олиш марказида истиқболли иш режаси ишлаб чиқилган бўлиб, Мунтазам равишда маданий-маърифий ва ахлоқий-тарбиявий ишлар олиб борилмоқда. Тошкент шаҳар марказий маданият ва аҳоли дам олиш маркази ҳам мустақиллик йилларида барпо этилган шаҳар маданият масканларидан бири бўлиб, ушбу масканда ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирларнинг мазмуни миллий, маънавий-ахлоқий кадриятларимиз, миллий ғоя ва маданиятимиз, маънавий меросимиз билан уйғун ҳолда замонавий шакллар ва интерактив услублар асосида ташкил этилмоқда.

Бугунги кунда маданият ва аҳоли дам олиш маркази халқаро ва миллий-маданий марказлар халқ амалий санъати билан шуғулланадиган кичик

²⁶ Ижтимоий маданий фаолиятнинг долзарб муаммолари. “Илмий мақолалар тўплами” Тошкент 2011 й. 122 бет.

корхоналар, фирмалар ва хусусий кичик корхоналар вакиллари билан ҳамкорликда тадбирлар ташкил қилмоқдалар.

Бу борада Президентимиз И. Каримов шундай таъкидлайди: “... истиқлолгача маданият ва маънавият ўчоқларини, санъат масканларини қуриш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмас, бунга худдики даромад бермайдиган бефойда бир иш, иккинчи даражали масала деб қаралган эди. Бироқ бир маданият биноти қурилишини амалга ошириш учун эса бир қанча давлат идораларидан ўтишга, агар унга сарфланадиган маблағ маълум бир миқдордан ошадиган бўлса, Москвадаги қанча-қанча кабинетларда овора бўлишга тўғри келарди. Театр, санъат уйлари каби масканлар халққа маънавий озиқа бериши, маданий савиясини ошириш, унинг юрагига малҳам бўлиши бу масалалар уларни қизиқтирмасди. Чунки халқнинг маданияти, онгу тафаккури қанчалик паст бўлса, уни бўйсундириш бамисолибўйнига қалта арқон боғлаб етаклаш шунча осон бўлишини эски мафкура дохийлари яхши биларди”.²⁷

Тошкент шаҳар марказий маданият ва аҳоли дам олиш марказида кўплаб маданий тадбирлар ташкил қилиниб турли ёшдаги болалар жалб қилинган. Бу марказда 42 та тўгарак фаолият юритиб, улардан 8 таси “халқ” номини олган. Булар ичида “Таманно” ашула ва рақс тўгараги, “Регистон” деб номланувчи вокал чолғу ансамбли, “Ритм” номли эстрада тўгараги, “Нодирабегим” номли фольклор йўналишидаги тўгарак, “яшлык” номли татар-бошқирд ансамбли, “Сарафроз” деб номланувчи карнай ва сурнайчилар гуруҳи, “Континент” номли вокал-чолғу ансамбли, “Вдохновение” номли опера студиялари фаолияти алоҳида тақсинга лойиқдир. Масалан: 8 ёшдан 12 ёшгача бўлган қизалоқлар “Тантана” миллий рақс группасига қатнаб, ундан каттароқлари эса “Ёшлик” ашула ва рақс гуруҳларига қатнайдилар. “Олтин Водий” деб номланувчи доирачилар ансамбли ҳам мавжуддир. Яна бир аҳамиятли жиҳати болаларнинг ўзи 60 дан ортиқ костюмларни моделларини ўзлари яратиб, кўплаб пойтахт байрам тадбирларида кийиб, иштирок

²⁷ Маънавият. Асосий тушунчалар. Изоҳли луғат Т.; 2009 й. 274 бет.

этномодалар. Ёшларга педагоглар ҳунар билан тарбия ҳам бериб борадилар. Яқин кунларда ушбу маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошида янги спорт зали қурилиб, шаҳар миқёсида спорт муосбақалари ҳам ўтказилмоқда. Карате, кикбоксинг, бадий гимнастика бўйича янги спорт тўғараклари ҳам очилди.

Тошкент шаҳар марказий маданият марказида ёзги болалар таътилида фаол маънавий-маърифий ишлар олиб борилиб, №250, №117 мактаб соғломлаштириш лагерлари очилиб, кўплаб ёшларни бирлаштириб таълим-тарбия олиб борилади. Шунингдек маданият ва аҳоли дам олиш маркази “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда “Лочин”, “Қизил сой”, “Мовий денгиз” каби болалар соғломлаштириш оромгоҳларида тадбирлар ўтказиб борилади. Тошкент шаҳар марказий маданият ва аҳоли дам олиш маркази шаҳримиздаги Мирзо Улуғбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қодирий, Бобур, Алишер Навоий номидаги Миллий боғда, “Гулшан” паркида ҳам катта концерт программалари билан иштирок этдилар.

2013 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳар марказий маданият ва аҳоли дам олиш маркази тарбияланувчилари “Эзгулик ҳафтаси” мавзуида акция ташкил қилди, декабр ойида худди шундай ном билан барча шаҳар болалар уйларида акция ўтказдилар. Ушбу концерт бригадаси ходимлари қизиқарли томоша ва совға-саломлар билан ҳар бир ёрдамга муҳтож кишилар уйларига ташриф буюрдилар. Шунингдек клуб аъзолари фахрийлар уйларига ҳам ташриф буюрдилар.

Мустақиллик шарофати билан барча маданият ва аҳоли дам олиш марказлари қошида этнографик фольклор ансамбллари вужудга келди. Шундай фольклор этнографик ансамбллардан бири Тошкент шаҳар маданият марказида “Нодирабегим” фольклор-этнографик ансамбли бўлиб, ушбу фольклор-этнографик ансамбларда ҳар бир халқнинг, миллатнинг миллий маданияти, ҳар бир халқнинг миллий урф-одат, анъаналари ашула ва рақс санъати, ҳар бир халқнинг маънавий бойликлари ижро этилиб, анъана тарзида сақланишида катта ўрин тутмоқда. Ушбу маданият маркази қошида

фаолият олиб бораётган фольклор-этнографик ансамбллар иштирокчилари мунтазам равишда Республика илмий маданият маркази томонидан олиб борилаётган “Ўзбекистон – умумий уйимиз” фестивалида ҳам қатнашиб келмоқда.

аданият маркази қошида очилган “Булгар” татар ансамбли ҳамда “Халқ кўшиқлари” татар-боқирд “Ёшлик” ансамбли аъзолари бўлмиш Алфия Абдурахмонова ҳамда Римма Тизатуллиналар Республика миллий маданият маркази ва Россия элчихонаси томонидан ташкил қилинган фестивалда ғолибликни қўлга киритдилар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. “Нодирабегим” фольклор ансамбли М.Авазова раҳбарлигида Қўқон шаҳрида ўтказилган фестивалларда фахрли 3 чи ўринни олган.

Маданият маркази барча давлат тадбирларида, байрамларда – Мустақиллик байрами, конституция куни, Наврўз, Хотира ва қадрлаш байрами, халқаро хотин қизлар куни муносабати билан ўтказилган тадбирларда фаол қатнашиб, турли мавзуларда сценарий асосида тадбирлар ўтказиб келмоқдалар. Маданият маркази қошида 1июн болаларни ҳимоя қилиш ҳамда “Соғлом бола йили”га бағишлаб комплекс иш режаси ишлаб чиқилган ва қатор тадбирлар режаси тасдиқланган.

Хулоса қилиб айтганимизда, истиқлолга эришганимиздан сўнг маданий-маърифий ислохатлар амалга оширилиб, одамларнинг ижтимоий-маданий эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олиб, тадбирлар мазмун ва моҳияти ҳам ўзгарди.

Мавжуд маданият ва аҳоли ва дам олиш марказлари имкониятларидан келиб чиқиб, кўплаб оммавий тадбирлар ижтимоий-сиёсий, касбга боғлиқ, адабий-бадий, буюк шахсларнинг туғилган кунларига бағишлаб дам олиш сайллари, кўргазмап, дискотекалар, рақс кечалари ташкил қилиб, томошабинлар диққатини ўзига қаратмоқда.

Хулоса

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг олиб бораётган инсонпарварлик сиёсати натижасида ўзбек халқининг иқтисодий, ижтимоий сиёсий ҳаётида улкан ўзгаришлар юз бермоқда.

Табиийки, бугун кўп сонли муаммолар орасида биринчи ўрин иқтисодий муаммолар чиқади. Ўз-ўзидан маълумки иқтисодимиз ривож топсагина, халқ ҳўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам, жумладан маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ташкилотлари ҳам ривож топади. Лекин, **инсон маданият ва маънавиятини** шакллантирмасдан туриб ҳеч қандай ислоҳотларни амалга ошириб бўлмайди. Маданий маърифий муассасалар (клублар, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, маданият саройлари, кутубхоналар, истироҳат боғлари, қишлоқ маданият марказлари

Аҳолини маънавий эҳтиёжини қондиришга кишиларга руҳий озуқа беришда билимли ва дунёқарашини бойитишда, мазмунли дам олишга кўмак беришда муҳим ўрин тутадиган масканлар сифатида хизмат қилмоқда.

Жойлардаги маданий маърифий муассасаларнинг фаолияти мустақиллик даврида тубдан ўзгарди, мазмунан бойиди, баъзи ҳолларда уларнинг фаолиятларига янгича талаблар ҳам қўйилди.

Маънавиятни бир уйга тўпланган бойликка ўхшатсак, ташқаридан кираётган шамол уй ичидаги нарсаларни остин-устин қилиб ташлашини ҳеч бир хонадон соҳиби истамайди. Худди шу каби биз ҳам ёш ғоялар, оқимлар ва мафкуралар маънавиятимизга вайронкор таъсир ўтказишига қарши ҳимия чораларини кўришимиз табиий. Четдан ўтказиладиган мафкуравий таъсирга қарши ҳимоя чоралари кўришдан аввал қандай таъсирларни маъқуллаш лозиму, қандайларини рад этиш кераклигини аниқлаб олиш лозим.

Ҳозирги кунда бирорта ҳам миллий маънавият йўқки, у бошқа халқлар маънавиятидан ажратилган бўлсин.

Марказий Осиё халқлари маданияти ва маънавияти ҳам Шарқ ва Ғарбни туташтирган карвон йўлларида жойлашгани сабабли ҳам Шарқ, ҳам

Ғарб маданиятидан баҳраманд бўлган. Энг муҳими, халқимиз Ғарб ва Шарқ маънавиятидан баҳраманд бўлиб, уларнинг ижобий томонларини ўзлаштирибгина қолмай, уларга ижодий ёндошиб янги чўққиларга кўтарилди. Бу фикрнинг тасдиғини маънавиятнинг таркибий қисмлари бўлган илмий билимлар, диний эътиқод, санъат мисолида ҳам кўриш мумкин. Фақат Ватанимизгина эмас, умумжаҳон маданияти тарихидан мустаҳкам ўрин эгаллаган алломаларимиз ижоди ҳам шу фикрни тасдиқлайди.

Масалан, шундай аجدодларимиздан бири Абу Райхон Беруний Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон ва Рим фалсафаси, табиий фанларни чуқур ўзлаштирган эди. Ҳиндистонда бўлган пайтида у ҳинд фани ва маданиятини ўрганар экан. Қадимги манбааларни ўрганиш учун қадимги ҳинд тили – санскритни билиш лозимлигини англайди. У санскритни қисқа муддатда чуқур ўзлаштириб, қадимги ҳинд маданияти ва фанини асл манбалардан ўргана бошлайди. У, шунингдек, Юнон ва рим маданияти ва фанини ўрганиш учун Юнон, Лотин ҳамда қадимги яҳудий тилларини ўзлаштирган эди.

Жаҳон маданияти тарихида чуқур из қолдирган Абу Наср Фаробий ҳам ўнлаб тилларни билган ва ўнлаб халқлар маданияти ва маънавиятини чуқур ўрганган. Энг муҳим томони, ўша буюк аждодларимиз жаҳон халқлари маънавиятини ўрганибгина қолмай, уларни чуқур таҳлил қилишда тегишли жойларини ривожлантириб, оламшумул кашфиётларни очдилар.

Аждодларимиз тарихи жаҳон халқлари маънавиятига ҳурмат билан қараш, керакли жойларни ўрганиб, ижодий ривожлантириш орқалигина маънавият чўққисига эришиш мумкинлигидан гувоҳлик беради. Бизга таъсир ўтказаётган ва таъсир ўтказмоқчи бўлган ғояларнинг қай бирини қабул қилиш ва қай бирини рад этиш лозимлигини аниқлаш учун жиддий таҳлил лозим.

Шундай таҳлилни ўтказиш учун эса баъзан эринчоқлигимиз, баъзан уқувсизлигимиз халақит бермоқда. Бунинг оқибатида эса қабул қилиш лозим

бўлган ғояларни рад этиш ва рад этиш лозим бўлган ғояларни қабул қилиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Шундай ғоялар борки, улар очик чехра билан кириб келади. Шундай ғоялар борки улар “Ўғри” каби туйнук қидиради. Очик чехралик ғоялар миллий маънавиятни бойитишга ривожлантиришга хизмат қилади. Бу умуминсоний эзгу-ғоялардир. Чунки миллий маънавиятлар ўзаро таъсир жараёнида ривожланади.

Ҳар қандай халқ маънавияти ривожига назар ташланса, унинг бошқа халқлар удум ва анъаналарини қанчалик ўзлаштириб ва ривожлантириб борганини кўриш мумкин.

Ўзбек миллий маънавияти ҳам узоқ ва яқин қўшни халқларнинг илғор анъаналарини ўзлаштириш натижасида бойиб борди. Маънавиятимизнинг ривожланиш тарихини кузатсак, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин. XX аср бошларидаги ўзбек маданияти ва маънавияти ҳамда унинг аср охиридаги ҳолати ўртасида анча жиддий тафовут бор. Бу тафовутни адабиёт, санъат, фан, ҳатто оддий юриш-туриш ва кийим-кечак, турмуш соҳаларида ҳам кузатиш мумкин.

XX аср бошида ўзбек адабиётида драматургия жанри хали шаклланмаган эди. Демак, миллий театр санъати тўғрисида сўз ҳам юритиш мумкин эмас эди. Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Фитрат сингари маърифатпарварларнинг сай-ҳаракатлари туфайли драматургия шакллана бошлади ва кейинроқ театр санъати вужудга келди. Ўша пайтларда театр санъатини ўзбек миллати учун ёт бегона ғоя деб билувчилар кўп эди. Драматургия ва театрни рад этиш фақат шунчаки танқид билан чегараланмаган. Санъатнинг бу турини Ўзбекистонга олиб киришга ҳаракат қилаётган инсонларни мазах қилиш, масхаралаш, ҳатто сазойи қилиш ўзларини миллий маънавият ҳимоячилари, деювчилар томонидан амалга оширилган эди. Вақт эса, театр санъати миллий руҳиятимиз ва маънавиятимизга ёт, деювчиларнинг ўзлари миллий маънавиятимиз

ривожига ғов бўлганини кўрсатди. Миллий кийимлар ҳам миллий кадриятлардан бири ҳисобланади.

XX аср давомида шу кадриятимиз кўриниши кузатсак, ғаройиб ходисаларнинг гувоҳи бўламиз. Ўтган аср бошларида маҳаллий эркакларнинг қишки кийими телпак ёки этикдан иборат эди. Ёзги кийим эса, дўппи, кўйлак ёки яктак, оқ иштон ва шиппак ёки ковуш эди.

Спорт соҳасидаги атамаларни глобаллашувга тадбиқ қиладиган бўлсак, вайронкор ғоялардан ҳимояланишнинг энг самарали йўли уларга қарши хужумга ўтишдир. Биз ёт ғоялардан ҳимояланиш билангина чекланмай, ўз ғояларимиз, анъаналаримиз, турмуш тарзимизни дунёга ёйиш учун ҳаракат қилишимиз ҳам керак.

Шўролар даврида миллий кадриятларимизни дунёга ёйиш у ёқда турсин, ўз юртимизда кадрлаш учун ҳам йўл берилмади, кўпчилик кадриятларимиз эса топталди.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ўша топталган кадриятларимизни тиклаш, миллий кадриятларимизни тарғиб қилиш имконига эга бўлдик. Ўзбек миллий курашини дунёга ёйиш бўйича қилинган ишлар, дунёнинг кўпчилики мамлакатларида ўзбек кураши федерацияларининг тузилиши бунинг яққол мисоли.

Дунё бутун Ўзбекистонни миллий-маданий мероси, бой тарихи, тили, маданияти, урф-одат ва анъаналарининг умуминсоний ғоялар билан мужассамлиги, санъат ва архитектура, фан ва маънавият соҳасида эришаётган ютуқлари орқали ҳам кашф этмоқда. Демак, глобаллашув жараёнида пассив қабул қилувчи томонгина бўлиб қолмай, фаол тарғиб қилувчиларга ҳам айланишимиз мумкин.

ГЛОССАРИЙ

Маданиятшунослик - маданият тўғрисидаги фан бўлиб, маданият тарихи ва маданият назариясидан иборат.

Маданият – “Маданий” “шаҳарлик” деган маъноларни билдиради. Кейинчалик “Маърифатли бўлиш”, “Тарбияли”, “Билимли бўлиш” маъноларида ишлатилган.

Маданият – узок тарихий тараққиёт жараёнида инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликлар, асори-атикалар йиғиндиси.

Маърифат – билиш, таниш, яъни билим демакдир.

Менталитет – инсоннинг ижтимоий-иқтисодий маданий дунёқараши.

Маънавий мерос – Қадим замонлардан бери аجدодларимиздан бизгача етиб келган маънавий бойликлар-сиёсий, фалсавий, ҳуқуқий ва диний қарашлар, ахлоқ-одоб меъёрлари, илм-фан ютуқлари, тарихий, бадий ва санъат асарлари мажмуидир.

Иқтисод - мулоқот, гаплашиш, келишиш, савдолашиш, икки томонга тўғри келадиган умумий нархни, рақамни, хулосани топиш демакдир.

Анъаналар – жамият ҳаёти турли соҳаларининг моддий ва маънавий фаолият шакллари, кишилар ўртасидаги алоқалар ва муносабатларнинг авлоддан-авлодга ўтиши, аجدодлар ҳаёти белгилари ва хусусиятларининг такрорланиш тарзи, дунёда анъаналар ва урф-одатларга эга бўлмаган миллат ёки элат йўқ.

Ватан – кишиларнинг яшаб турган, уларнинг авлод ва аجدодлари туғилиб ўсган жойи, ҳудуди, ижтимоий муҳити, мамлакати.

Ватанпарварлик – кишининг ўзи, туғилиб ўсган, камол топган жой, замин, ўлкага бўлган меҳр-муҳаббатини, муносабатларини ифода этадиган ижтимоий ва маънавий-ахлоқий ҳиссиётлари, фазилатларидир.

Ислом - сўзи арабча бўлиб, «худога ўзини топшириш», «итоат», «бўйсунуш» маъносини англатади.

Маънавият - инсонни жамики бошқа мавжудотлардан ажратувчи ижтимоий ходиса.

Маърифат - билим ва маданиятнинг қўшма мазмуни бўлиб, маориф эса ана шу мазмунни ёйиш кураш, воситасидир.

Мерос - инсониятнинг ҳар бир тарихий босқичда яшаган авлодлари томонидан яратилган ва кейинги авлодга етиб келган барча моддий ва маънавий бойликлар мажмуидир.

Миллат - «миллат» сўзи «ўзак», «туб моҳият», «негиз» деган маънони билдиради.

Миллий ғоя - миллатнинг ўтмиши, бугуни, истиқболи, манфаат ва мақсадини ифодаловчи ижтимоий ғоя.

Миллий қариятлар - миллий мафкуранинг тарбиявий элементи.

Миллий мафкура - ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизни кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдида қўйилган олий мақсад ва олий ғоядир.

Миллий маънавият - муайян элат, миллатга, унинг аجدодларига хос бўлган ғоят қимматли маънавий бойликлардир.

Миллий тарбия - у ёки бу миллатни, элатни ташкил этувчи кишиларни миллий маданиятини мерос, қадриятларни, урф-одатларни, анъаналарни ўзлаштиришдаги фаолиятни ривожлантиришдир, у миллий онг ва миллий ўзликни англашнинг субъектидир.

Сиёсат - юнонча сўз бўлиб, мазмуни давлат ёки жамоат ишларини англатади. Сиёсат - катта ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, давлатлар ички ва ташқи муносабатлари соҳасидаги фаолиятни англатади.

Тасаввуф - суфийлик инсонни ўргатар экан, аввало, кишининг кўнглига, динига таянади, кўнгилни, қалбни тарбиялашга, кўнгил кишисини вояга етказиш ва интилишдир.

Темур тузуклари - Амир Темур томонидан давлатнинг ривожланиши учун ва давлатнинг тараққиёти учун айтилган фикр мулоҳазалар.

Умуминсоний маънавият - бутун инсониятга жаҳон халқларига тегишли бўлган маънавий-ахлоқий бойликлардир.

Ғоя - муайян фикр, мақсад сари етакловчи куч.

Қадриятлар – борлиқ ва жамият, нарсалар, воқеалар, ҳодисалар, инсон ҳаёти, моддий ва маънавий бойликларнинг аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча.

Қуббатул ислом – Бухоро шаҳри. Ислом динининг гумбази.

Қуръони Карим - Ислом динининг муқаддас китоби.

Байт ул-Ҳикмат – “Донишмандлар уйи”. Бағдоддаги академия.

Гуманизм – инсонпарвалик.

Илми нуҷум – Астрономия фани.

Маъмун академияси – Хоразмда ташкил этилган академия.

Микелаежело Буанаротти (1475-1564 йй.) – Буюк рассом, ҳайкалтарош, ҳарбий муҳандис, шоир.

Миср эҳромлари – Қадимги Миср давлатида подшо-фараҳонларга аталиб қурилган мақбаралар, қабрлар, иншоотлар.

Модернизм – Янги санъат.

“Олтин мерос” – Хайрия жамғармаси 1996 йилда ташкил этилган.

Сукрот, Платон, Аристотель – Юнон фалсафасининг юксак намоёндалари.
(эр. авв. V-IV асрлар).

Фобизм – Санъат йўналишидаги янги оқим бўлиб, предмет нарсаларнинг ажабтовур, ёрқин кўринишда акс эттиришни ифодалайди.

Хаттотлар – Китоб кўчирувчи ҳуснихат эгалари.

Эллада – Қадимги Юнонистоннинг номи.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т., “Ўзбекистон”, 1994.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон – буюк келажак сари. Т., “Ўзбекистон”, 1998.
4. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Т., “Ўзбекистон”, 1998.
5. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т., “Ўзбекистон”, 1998.
6. Каримов И.А. Миллий мафкура ҳақида. Т., “Ўзбекистон”, 2000.
7. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т., “Ўзбекистон”, 2001.
8. Каримов И.А. “Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтара олмайди”. “Ўзбекистон овози”, 2005 йил 24 май.
9. Каримов И.А. “Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди”, “Халқ сўзи” 2005 йил 26 май.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992-93 йилларда қабул қилган Фармонлари.
11. Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида қонун. “Ўзбекистон овози” газетаси, 1992й.
12. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами., 1995 йил, 4-сон, 15-модда.
13. Ўзбек халқ поэтик ижоди. Т., 1990.
14. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. Т., “Фан”, 1990.
15. Бойназаров Ф. Ўрта Осиёнинг антик даври. Т., “Ўқитувчи”, 1991
16. История и культура народов Средней Азии. М., 1991
17. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Т., “Ўзбекистон”, 1992.

18. Маврулов А. Маънавий соғломлаштириш даври.Т., “Ўзбекистон”,1992
19. Ибн Арабшоҳ Амир Темур тарихи. Т., “Меҳнат”,1992
20. Искандаров Б. Ўрта Осиё фалсафий ва ижтимоий –сиёсий фикрининг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан лавҳалар.Т., “Ўзбекистон”,1993й.
21. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т.,“Фан”, 1993
22. Қиличев Т. Кўҳна қалъалар диёри.Т., “Ўқитувчи”,1993.
23. Йўлдошев Ж. Ўзбекистон Республикаси таълим тараққиёти йўлида. Т., “Ўқитувчи”,1994
24. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси.Т., “Ўқитувчи”,1994
25. Қосимов Б. Истиқлол фидойилари . Маслакдошлар. Т., “Шарқ” ,1994
26. Бекмуродов М. Мовароуннахрда жамоатчилик фикри тарихи. Т., “Фан”,1994
27. Миролимов Ш. Маҳалла меҳри.Т. “Наврўз”,1994.
28. Жалилов Ш. Маҳалла янгилиниш даврида. Т., “Меҳнат”,1995.
29. Низомиддин Шомий Зафарнома Т., “Ўзбекистон”,1996
30. Соатов Б.,Хусанов А. Ибтидоий ва қадимги шарқ маданияти. 1996.
31. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси.Т., “Ўқитувчи”,1996
32. Каримов Ш., Шамсуддинов Р. Ватан тарихи.Т., “Ўқитувчи”,1997
33. Ватан туйғуси Т., 1997
34. Тюриков В., Шоғуломов Р. Мустақил Ўзбекистон Республикаси:Унутилмас воқеалар ва саналар (1991-1996).- Т., “Ўзбекистон”
35. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. Т., “Шарқ”,1998
36. Жабборов И. Антик маданият ва маънавият хазинаси.Т. “Ўзбекистон”, 1999
37. Эргашев Й. Ёшларнинг маънавий тарбияси. Т.,1999

38. Ғозиев Э.Ғ., Азизова Ш.В. Ташкилий психология Т. “Университет”, 1999
39. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Т. “Шарқ”, 2000
40. Зиёмухамедов Б. Маънавият асослари.Т., 2000
41. Холметова М. Оммавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. Т., “Ўзбекистон”, 2000
42. Саидқосимов С.,Ахмедов А., Ахмедов Б. ва бошқ. Амир Темур жаҳон тарихида. Т. “Шарқ”,2001
43. Истиқлол ва таълим. Т. “Шарқ”,2001.
44. Махмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. Т., “Шарқ”,2001.
45. Бекмуродов М. Ташкилот маданияти ва раҳбар маънавияти.Т.2001
46. Ахмедова З., Габидулин Р. Культурология. Т. 2001
47. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. Т. “Шарқ”. 2002
48. Отамуродов С. Маънавият асослари.Т.,2002.
49. Бекмуродов М.,Бегматов А. Миллий менталитет ва раҳбар маънавияти.Т., “Адолат”,2003.
50. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ.Марказий Осиёда Ислам маданияти. Т.“Шарқ”, 2005

Интернет сайтлари.

1. www.ziynet.uz
2. www.bilim.uz
3. www.gov.uz –*Ҳукумат сайти*
4. www.press-service.uz –*Президент сайти*
5. www.edu.uz –*Вазирлик сайти*
6. www.ziyo.edu.uz –*Вазирлик сайти*
7. www.performance.edu.uz–*Вазирлик сайти*
8. www.tseu.fan.uz –*ТДИУ сайти*
9. www.tseu.uz–*ТДИУ сайти*
10. www.teuphil.narod.ru –*Фалсафа сайти.*